

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТ
ИНСТИТУТИ**

Қўл ёзма ҳуқукида
УДК:

ЯКУБОВ АЗИЗБЕК ҒАНИЕВИЧ

**ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ КОРХОНАЛАРИ ЭКСПОРТ
САЛОҲИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ (“ЎЗБЕКЕНГИЛСАНОАТ” ДАК
КОРХОНАЛАРИ МИСОЛИДА)**

5A230201 – Менежмент (соҳалар бўйича)

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар и.ф.д.,
проф. Махмудов Н.М.

Тошкент - 2014

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
1-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ЭКСПОРТ САЛОҲИАТИНИ ОШИРИШNING НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	6
1.1 Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ташқи савдо сиёсатининг ўрни.....	6
1.2 Ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этиш ва бошқаришнинг назарий масалалари.....	14
1.3 Тўқимачилик саноати маҳсулотлари экспорт салоҳиятини оширишда сифат менежменти тизимининг ўрни.....	27
1-боб бўйича хулоса.....	35
2-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ ЭКСПОРТ САЛОҲИАТИNING ТАҲЛИЛИ.....	36
2.1 Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо ривожланиши ҳолатининг таҳлили.....	36
2.2 Тўқимачилик маҳсулотлари экспорт салоҳиятини белгиловчи омиллар таҳлили.....	48
3-БОБ. ЕНГИЛ САНОАТ КОРХОНАЛАРИNING ЭКСПОРТ ИМКОНИАТЛАРИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ	64
3.1. Ўзбекистон Республикаси экспорт фаолиятини ривожланиш стратегияси.....	64
3.2. Импортни чегаралашнинг маъмурий усуллари	70
Хулоса ва таклифлар.....	82
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	84

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги: Ўзбекистонда 2008 йилда ялпи ички маҳсулотнинг 9 фоиз ўсишига, саноатда 12.7 фоизни, шу жумладан, истеъмол товарлари ишлаб чиқишда 17.7 фоизни ташкил этди, хизмат кўрсатиш фоизи 21.3 фоизга ўсди. Давлат бюджети профицит билан ижро этилди, инфляция даражаси прогноз кўрсаткич 7.8 %дан ортиқ бўлмади. Фаол инвестиция сиёсати олиб борилиши асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг 28.3 фоизга, шу жумладан, тўғридан- тўғри хорижий инвестициялар ва кредитларнинг 71.2 фоизга ўсиши таъминланган. Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш даражасини изчил ошириш ҳисобига саноат маҳсулотларининг кўпгина турлари бўйича импортга боғлиқлик қисқартирилди ёки умуман импорт қилинмаяпти.

Ҳозирги шароитда хўжалик алоқаларини ривожлантириш жараёни кучаймоқда ва ҳар бир алоҳида давлат иқтисодиётини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлашда ташқи иқтисодий омил муҳим роль ўйнамоқда. Ташқи иқтисодий алоҳаларда экспорт салоҳиятининг ортиши миллий иқтисодиётимизнинг барқарорлигини ва унинг ривожланиш ҳолатини аниқлайди. Шунга кўра республикаимиз энгил саноат корхоналарида маҳсулотнинг экспорт салоҳиятини ошириш йўллари белгилаш долзарб масала ҳисобаланди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси: Ташқи иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш муаммолари Е.Ф.Авдокушин, И.Г.Балабанов, И.С.Зикин, А.И.Киреев, Е.Ф.Прокушев, В.В.Смирнов, П.Г.Шагалов, С.Ғуломов, А.Расулов, Ю.Мирзиёев, Ф.Оқназаров, У.Эрназаров, Ф.Отахонов каби олимларнинг бир қатор асарларида тадқиқ этилган. Бироқ иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида Ўзбекистон энгил саноат корхоналарида маҳсулотнинг экспорт салоҳиятини ошириш масалалари етарлича ёритилмаган. Диссертацияда олиб борилган илмий изланишлар ушбу муаммони ёритишда муҳим аҳамиятга эга.

Ишнинг мақсади: Ўзбекистон Республикасида экспортни рағбатлантириш ва енгил саноат корхоналари маҳсулотининг экспорт салоҳиятини ошириш йўллари белгилашдир.

Ишнинг вазифалари: Мақсаддан келиб чиққан ҳолда қуйидаги асосий вазифалар қўйилди:

- Ўзбекистон экспорт сиёсатининг моҳияти ва вазифаларини тадқиқ этиш;
- Енгил саноат маҳсулотлари экспорт салоҳиятини оширишда сифат менежменти тизимининг ўрнини асослаб бериш;
- Маркетинг тадқиқотларининг тўқимачилик маҳсулотлари экспорт салоҳиятини оширишдаги ўрнини таҳлил қилиш;
- Тўқимачилик маҳсулотлари экспорт салоҳиятини оширишда хорижий инвестицияларни жалб этишнинг аҳамиятини асослаб бериш;
- Тўқимачилик маҳсулот экспорт салоҳиятини оширишдаги инновациялар таҳлил қилиш;
- Ўзбекистон Республикаси тўқимачилик саноати экспорт фаолиятини ривожлантириш стратегиясини асослаб бериш;
- Тўқимачилик саноати корхоналари маҳсулотининг экспорт салоҳиятини оширишда товар экспортёрларига бериладиган имтиёزلарни тадқиқ этиш.

Тадқиқотнинг услубий асослари: Асослари бўлиб Ўзбекистон республикаси қонунлари, Президентимиз Фармонлари, «O'zbekyengilsanoat» ДАК маълумотлари, Ўзбекистон республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари ҳамда иқтисодчи олимларнинг ушбу илмий муоммо бўйича изланишлари хизмат қилади.

Илмий тадқиқот жараёнида иқтисодий таҳлил, статистик таҳлил, таққослаш усулларидан фойдаланилган.

Ишдаги янгилик: Ўзбекистон енгил саноат корхоналари маҳсулотини экспорт қилиши учун энг қулай бозорларнинг аниқланганлиги, миллий

иқтисодиётни ҳимоя қилиш учун қўшимча давлат чораларининг аниқланганлиги ва асослаб берилганлиги, Ўзбекистон енгил саноати маҳсулотларининг экспортга йўналтирилишини ошириш бўйича тавсия ва кўрсатмаларнинг ишлаб чиқилганлигидан иборат.

Ишнинг амалий аҳамияти: Республикамизнинг манфаатларини ҳимоя қилишда ташқи иқтисодий алоқалар фаолиятини назарий ва амалий таҳлил қилиниши ва енгил саноат корхоналари маҳсулотининг экспорт салоҳиятини ошириш йўллари асослаб берилишидир.

Диссертациянинг тузилиши қуйидагича: кириш, асосий мазмунни ифодаловчи 3 та боб, хулоса ва таклифлар ҳамда, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

1БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1 Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ташқи савдо сиёсатининг ўрни

Ўзбекистоннинг ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган ўз бозор иқтисодиёти модели ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, республиканинг жаҳон хўжалик алоқаларига бирлашиш йўллариini белгилаш, ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиётнинг ривожланиши ва республика интеграцияси йўналишларининг жаҳон хўжалик алоқаларида мустаҳкамланиши асосий ўрин эгаллайди.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаб ўтганларидек: «Ўзбекистон ўзидаги ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқариш сифати ва самарадорлигини ошириш, хорижий мамлакатлар билан тенг ҳамкорликда бўлиш йўлидаги устувор вазифани белгилаб олинганлиги сабабли ташқи иқтисодий фаолияти фаол ривожланди.»

Ҳозирги кунда жаҳон мамлакатлари билан алоқаларни тиклаш ва жаҳон бозорларига ўз маҳсулотларини таклиф этиш иқтисодий ривожланишдаги энг долзарб масаларидан биридир

Бирор мамлакатнинг ташқи иқтисодий фаолиятга бевосита ва билвосита аралашуви жараёни экспорт ва импорт ҳажми ва таркибига таъсир кўрсатиш орқали ички бандлиликни таъминлаш, иқтисодий ўсишга эришиш, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, тўлов балансини яхшилаш ҳамда валюта курсини тартибга солиш мақсадларини кўзда тутди. Давлат томонидан амалга ошириладиган бундай тадбирлар савдо сиёсати деб юритилади. Савдо сиёсати – бюджет-солиқ сиёсатининг ташқи савдо ҳажмларини солиқлар, субсидиялар, валюта назорати ва импорт ёки

экспортни тўғридан-тўғри чеклашлар орқали тартибга солишни ўз ичига олган нисбатан мустақил йўналишидир.

Ташқи савдони чеклаш борасида олиб борилаётган ҳар қандай чоратadbирлар қисқа муддатли самара беради. Узоқ даврда эса, фақат эркин савдогина иқтисодий ресурсларни самарали жойлаштириш имконини беради. Шунинг учун ҳам кўпгина мутахассис-иқтисодчилар мамлакат иқтисодиёти ва аҳолиси турмуш даражани яхшилаш учун эркин ташқи савдо сиёсати фойдалироқ, чунки, ташқи савдони чеклашга нисбатан уни эркинлаштириш иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланишга кўпроқ имконият яратади, деб ҳисоблашади.

Гарчанд, эркин савдо жаҳон иқтисодиёти нуқтаи назаридан фойдали бўлиши мумкин бўлсада, аммо алоҳида олинган мамлакат иқтисодиёти манфаати нуқтаи назаридан эркин савдо ҳамма вақт ҳам фойдали бўлавермайди.

Ташқи савдони чеклаш усуллариининг 50 дан ошиқроқ тури мавжуд. Уларнинг айримлари давлат ғазнасини тўлдиришга йўналтирилган бўлса, баъзилари умуман импортни чеклашга ва яна бошқаси эса экспортни чеклашга ёки рағбатлантиришга йўналтирилган. Амалиётда ташқи савдони тартибга солишнинг таъриф ва нотаъриф усулларидан фойдаланилади.

Таъриф усулларига импорт ва экспорт божларини жорий қилиш кирса, нотаъриф усулларига экспортерлар ва ишлаб чиқарувчиларга субсидиялар бериш, квоталаш, лицензиялаш кабилар киради.

Божхона божлари аввало импорт божлари ва экспорт божларига ажралади.

Импорт божлари давлат бюджетини тўлдириш мақсадида ва ички бозорларга тушадиган чет эл товарлари оқимини тартибга солиш учун белгиланади. Экспорт божлари мамлакат ичида талаб кўп бўлган маҳсулотлар тақчиллигининг олдини олиш мақсадида белгиланади.

Ҳозирги замон иқтисодиётининг очиклик даражаси яъни мамлакатларнинг ихтисослашуви ва улар ўртасида кооперация чуқурлашиб

бормоқда. Мамлакатлар ўз иқтисодиётини ривожлантириш, иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш борасида тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишда бу ҳолатларни этиборга олиши шарт.

Жаҳон савдоси ташқи иқтисодий алоқаларнинг асосий шаклидир. Унинг кенгайиши ва чуқурлашуви натижасида капитални четга чиқариш имкониятлари юзага келди ва унга боғлиқ равишда халқаро молия-валюта, кредит муносабатлари ривожланди.

Халқаро савдонинг вужудга келиши икки муҳим объектив сабаб билан изоҳланади.

Биринчидан, бу табиий ва хом ашё ресурсларининг мамлакатлар ўртасида нотекис тақсимланганлиги. Энг катта ҳудудга эга бўлган ёки ривожланган давлатлар ҳам барча ресурслар билан ўзини тўлиқ таъминлай олмайди. Улар ўзларида ортиқча бўлган ресурсларни экспорт қилишга ва мамлакатда тақчил бўлган ресурсларни импорт қилишга мажбурлар.

Халқаро савдо ривожланишининг зарурлигини белгиловчи иккинчи муҳим сабаб шундаки ҳамма мамлакатлар ҳам барча турдаги маҳсулотни бир хил самарадорлик билан ишлаб чиқара олмайди. Яъни бир товар Японияда арзон ишлаб чиқарилса, иккинчи товар Ўзбекистонда арзон ишлаб чиқарилиши мумкин. Шу сабабли ресурслардан самарали фойдаланиш мақсадида мамлакатлар ихтисослашадилар ва ўзаро савдо-сотиқни йўлга қўядилар.

Бу икки объектив сабаб ҳар қандай миллий иқтисодиётнинг такрор ишлаб чиқариши жараёнида халқаро савдонинг аҳамиятини аниқлайди

Ташқи савдо халқаро айирбошланишнинг анъанавий шакли сифатида қуйидаги кўринишларни ўз ичига олади:

- маҳсулотларни айирбошлаш: ёқилғи-хом ашё маҳсулотлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, саноат маҳсулотлари;
- хизматларни айирбошлаш: муҳандислик-маслаҳат хизматлари;

- транспорт хизматлари, сайёҳлик ва бошқа хизматлар. Ҳозирги вақтда хизматларнинг жаҳон экспортидаги ҳиссаси 30 фоиздан ошиб кетди;
- янги илмий-техник маълумотларни айирбошлаш: лицензиялар ва «ноу-хоу»лар. Улар ҳиссасига халқаро савдо айланмасининг 10 фоизига яқини тўғри келади.

Ўзбекистон ўзининг иқтисодий салоҳияти, табиий шароитларининг қулайлиги, ҳам ашё ресурсларини мўл-кўллиги, малакали ва арзон ишчи кучининг кўплигига кўра чет эл инвестицияларини жалб қилиш ҳисобига халқаро савдо муносабатларини самарали ривожлантириш имкониятларига эгадирлар.

Бизга маълумки, Ўзбекистон вужудга келадиган конкрет шароитлар ҳисобга олинганда очик иқтисодиёт модели асос қилиб олинган. Бошқаришни тубдан ислоҳ қилиш ва Ўзбекистон иқтисодиётини жаҳон хўжалик алоқаларига фаол қўшилишга қаратилган йўлни амалга ошириш билан ҳамбарчас боғлиқ.

Жаҳон бозорлари учун очик бўлган иқтисодиётни шакллантириш, ушбу вазифани ҳал этишга қаратилган савдо сиёсатини ривожлантириш ва унинг миллий иқтисодиётни барқарорлаштириш омилдир.

Жаҳон тажрибаларидан маълумки, ички бозорни тўлдириш муоммоларини фақат ўз ишлаб чиқариши ҳисобига самарали ҳал қилишга уруниш мағлубиятга маҳкумдир.

Жаҳон иқтисодиётига киришнинг афзаллиги шундаки, ташқаридан бўладиган рақобат таъсирида мамлакатнинг ўз компанияларининг унумдорлиги ошади. Истеъмолчилар ютадилар , чунки товарлар ва хизматларнинг тури кўпаяди. Амалиёт яна шуни ҳам кўрсатадики, очик турдаги иқтисодиёт иашқаридан бўладиган ноқулай ларзаларга мослашишида катта имкониятларга эга ва у табиий ресурслардан самарасиз ва унумсиз фойдаланишига камроқ йўл қўяди.

“Миллий иқтисодиётда халқаро савдо алоқаларининг роли қандай? Гапни мамлакатда бўлмаган ёки етишмаётган ишлаб чиқариш воситалари – машиналар, ускуналар, қурол-асбоблар, бутловчи материаллар, агрегатлар, шунингдек қайта ишлаб учун хом ашё ва ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун конструктив материалларнинг келиши айнан ана шу халқаро савдо алоқалари орқали таъминлашдан бошлайлик”¹.

Бошқа мамлакатлардан юқори унумли ускуналарни, айниқса корхона, цех ва участкалар учун яхлит ускуналарни олиб келиш, қурилаётган объектларни улар билан жиҳозлаш, бу объектларни фойдаланишга топшириш, қувватларни ўзлаштириш ҳамда керакли маҳсулотни олиш муддатларини қисқартиради, чунки шундай қилинганда уларни мамлакатни ўзида лойиҳалаш ва тайёрлаш учун вақт кетказилмайди. Ўзбекистоннинг Асака шаҳрида замонавий ускуналар, технологиялар ва чет эл инвестициялардан фаол фойдаланилган ҳолда икки ярим йил ичида автомобилсозлик мажмуаси барпо этилганлиги бунинг ёрқин мисилидир. Бошқа мамлакатлардан янги машиналарни, асбоб-ускуналарни, шунингдек энг илғор технологияга лицензиялар ва бошқа техникавий хужжатларни сотиб олиш, фан техника инқилобининг сўнги ютуқларини, анча илғор технология жараёнлари ва ечимларини ишлаб чиқаришга жорий этишни тезлаштиради, бу эса меҳнат унумдорлигини ошишига, маҳсулот сифатини ошишига ва привордида ички бозор учун ҳам, экспорт учун ҳам яхши товарлар чиқаришни кўпайтиришга ёрдам беради.

Импорт Ўзбекистон миллий иқтисодиёти ишлаб чиқаришида ишлаб чиқаришида ишлатиладиган хом ашё ва материаллар, чунончи қора металллар прокати, қувурлар, юқори босимга чидайдиган полиэтилен ва бошқаларга бўлган талабни қондиришда муҳим роль ўйнайди. Шу билан бирга ишлаб чиқариш учун керакли бўлган бир қатор хом ашё товарлари борки, уларга бўлган эҳтиёж батамом ёки асосан ташқи бозордан харид қилиш ҳисобига қондирилади.

¹ Алимов А., Ҳамедов И. “Ўзбекистон Республикасида Ташқи Иқтисодий Фаолият асослари” Т: 2004й

Экспорт ҳам ишлаб чиқаришга катта таъсир кўрсатади. Экспорт – товар, хизматлар, интеллектуал мулк натижалари, шу жумладан уларга доир мутлақ ҳуқуқларни божхона ҳудудидан хорижга қайтариб олиб келиш мажбуриятисиз олиб чиқишдир. Экспорт факти товар божхона чегарасини кесиб ўтган, хизматлар ва интеллектуал фаолият натижаларига доир ҳуқуқлар тақдим этилган пайтда қайд этилади. Божхона ҳудудидан хорижга товарлар олиб чиқилмайдиган айрим тижорат операциялари товарлар экспортига тенглаштирилади. У сотиш имкониятларини кенгайтиради, маҳсулотни сериялаб чиқаришни кўпайтириш имконини беради ва шунга мувофиқ равишда унинг таннархини арзонлаштиради, самарадорликни оширади, мамлакатга валюта тушумларини кўпайтиради.

Экспорт-импорт операциялари бевосита ёки билвосита бўлиши, яъни товар соҳиблари ва воситачилар томонидан амалга оширилиши мумкин. Воситачилар сифатида брокер, дилер, коммиссионер, консигнатор, улгуржи харидор, саноат агентлари фаолият кўрсатиши мумкин. Экспорт-импорт операцияларидан ташқари, ташқи иқтисодий фаолият амалиётида товарларни сотиш учун ташқи савдонинг савдо, аукцион (ким ошди савдоси) ва биржа сингари махсус шаклларидан ҳам фойдаланилади. Ҳар бир экспорт ёки импорт товари учун пул суммасини олиш ёки тўлаш билан якунланадиган товарларни сотишга доир одатдаги экспорт-импорт битимлари билан бир қаторда ташқи иқтисодий фаолиятда товар айирбошлаш операциялари ёки муқобил компенсация савдоси ҳам кенг қўлланилади. Муқобил савдо товарларни сотишга доир операцияларни ўз ичига олиб, бунда экспортчиларнинг импорт қилувчилардан маҳсулот бир қисмини ёки экспорт қилинаётган товарлар бир қисмини ҳарид қилишга муқобил мажбуриятлари кўзда тутилади. Хилма-хил бўлган муқобил битимларини ташкилий-ҳуқуқий асос ёки компенсация қондасига боғлиқ ҳолда уч гуруҳга ажратиш мумкин: валютасиз асосда товар айирбошлаш битимлари (бартер), пул асосида савдо компенсация битимлари ва саноат компенсация битимлари.

Бартер битимлари объектлари одатда бир турдаги товарлар, асосан хом ашёнинг келишилган тўплamlари бўлиб, бу ҳол товарларни манёврлашни истисно этади. Айни шу сабабли бартер муқобил савдода энг кам тарқалган битимдир. Муқобил компенсация савдосининг каттагина қисмини пулга асосланган, экспортчининг импорт қилувчи таклиф этадиган товарларни сотишда иштирокини кўзда тутадиган савдо компенсация битимлари эгаллайди. Ушбу турдаги барча битимларни гуруҳга бўлиш мумкин: «оффсет» турдаги битимлар, «свитч» турдаги битимлар, бўнак харидлари ва ҳоказо. Савдонинг ушбу тури шерикларнинг ишлаб чиқариш алоқаларини кўзда тутмайди. Агар муқобил савдо саноат ҳамкорлигининг бир қисми бўлса ва бевосита ишлаб чиқариш соҳаси билан боғланса, у етказиб беришларнинг алоҳида синф гуруҳини яратадики, бу гуруҳ саноат компенсация битимлари деб ном олган, масалан, бунёд этиладиган объектлар учун етказиб бериладиган ускуналар ҳақи унинг ёрдамида ишлаб чиқариладиган товарларнинг муқобил етказиб берилиши билан тўланади.

Хизматлар ташқи савдосида илмий-техника тадқиқотлари натижалари савдоси ва муаллифлик ҳуқуқлари савдоси алоҳида ўрин тутadi. Илмий-техника билимларини айирбошлашга доир келишувлар нафақат илмий, балки тижорат қийматига ҳам эга бўлган илмий-тадқиқот ишлари якунларининг савдоси билан боғлиқ. Илмий-техника билимлари савдосига доир операцияларда патентлар, лицензиялар, товар белгилари, саноат намуналари шаклидаги интеллектуал меҳнат маҳсулотлари, шунингдек, «ноу-хау» тушунчасини бирлаштирган техник билимлар ва тажрибалар иштирок этади.

Ташқи савдо алоқалари молиявий алоқалар билан боғланган, зеро молия-савдо савдо ҳосиласи сифатида пайдо бўлади. Молия-пул оқимида, пулларнинг узлуксиз айланмасида юзага келадиган муносабатлар тизимидир. Бошқача қилиб айтганда, молия-пул фондлари шаклланиши ва улардан фойдаланишда ҳамма пул маблағлари айланмаси пайтида юзага келадиган пул муносабатлари тизимидир. Молия учта функцияни бажаради:

- фондларни шакллантириш ва нақд пул маблағларини олиш;
- пул фондлари ва нақд пул маблағларидан фойдаланиш;
- пул фондлари ва нақд пул маблағларини шакллантириш, улардан фойдаланиш устидан назорат қилиш.

Халқаро кредитлаш, халқаро суғурталаш, халқаро банк хизматини кўрсатиш (ҳисоб-китоблар, депозитлар ва бошқа банк операциялари) молиявий ташқи иқтисодий алоқалар шакллари ҳисобланади.

Савдо сиёсатини амалга ошириш фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга ҳам кўп жиҳатдан ижобий таъсир кўрсатади. Шунингдек, бу сиёсатнинг мамлакат аҳолисини халқ истеъмоли, саноат ва озиқ-овқат товарлари билан таъминлашда иштирки ҳам анча муҳимдир. Бундай таъминлаш чет элдан машиналар, ускуналар ва технологиялар ҳамда етишмаётган хом ашёни ҳарид қилиш ва келтириш йўли билан ҳам, шу билан бирга тайёр буюмлар ва озиқ-овқат маҳсулотларини бевосита импорт қилиш йўли билан ўам амалга оширилади.

Савдо сиёсати орқали ишлаб чиқариш корхоналарини янада мукамалроқ техника билан қуроллантиришга, илғор технология ва тажрибани жорий этишга, табиий ресурсларни ўзлаштиришга, чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошишига ёрдам беради.

Савдо сиёсатини фойдалилиги, самарадорлиги ва мақсадга мувофиқлиги бу билан чекланмайди. Улар турли малакатларда худди шундай товарларни (ёки улар ўрнини босувчи товарларни) ишлаб чиқариш шароитларидаги ва шунга мувофиқ миллий ҳаражатлардаги фарқлар туфайли жаҳон бозорида унумли айирбошлаш натижасида миллий даромадни сезиларли даражада оширади. Мамлакат чет элдан келадиган товарларни ўзида ишлаб чиқаришини ташкил этишдаги чиқимлар импорт учун ҳақ тўлашга керакли товарларни экспорт қилиш чиқимларидан (экспорт эквивалентидан) ортиқ бўлган ҳолларда фойда кўради.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро бозорга мустақил суръатда чиқиши олдидаги бошланғич иқтисодий салоҳияти жаҳон хўжалигига самарали қўшилишга умуд қилиш имконини берди:

- ер, минерал- хом ашё ва ўсимлик ресурсларининг катта захиралари, шунингдек қайта ишлаш саноатининг хом ашё базаси сифатида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун қулай ноёб тупроқ, иқлим шароитларининг мавжудлиги;
- республиканинг жаҳон хўжалиги алоқаларига тортишга имкон берадиган нисбатан ривожланган ишлаб чиқариши инфратузилмасининг мавжудлиги.
- Ўзбекистон Республикасининг савдо сиёсатини амалга оширишдаги янги стратегиялари қуйидаларни ўз ичига олади:
 - экспорт-импорт операцияларини марказлашувдан холи қилиш;
 - давлат эҳтиёжлари учун керакли товарларни экспорт ва импорт қилиш устидан назоратни кучайтириш;
 - стратегик муҳим товарларни экспорт қилишдан келадиган валюта тушумини назорат қилишни кучайтириш;
 - чет эл инвестицияларини жалб этиш ва экспорт фаолиятини ривожлантиришдан иборат давлат сиёсатини бутун чоралар билан рағбатлантириш.

Республикада вужудга келган вазият ташқи иқтисодий комплексни бошқаришнинг ўзига хос тизимини шакллантириш, алоқаларни йўлга қўйиш борасида қоида ва тамойилларини ишлаб чиқариш, республикани жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига қўшилиш йўллариини белгилашни тақазо этади.

1.2 Ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этиш ва бошқаришнинг назарий масалалари

Ҳар қандай давлатнинг ташқи иқтисодий фаолияти, жумладан экспорт фаолияти ҳам жаҳон хўжалигининг фаолият кўрсатиши билан боғланган ва муқаррар равишда нафақат миллий ҳуқуқий меъёрлар, балки халқаро ҳуқуқ

стандартлари билан ҳам тартибга солинади. Табиийки, миллий ҳуқуқ регламентациялари билан халқаро иқтисодий ҳуқуқ ўртасида муайян зиддиятлар мавжуд.

Бир томондан, давлатларнинг ҳуқуқ соҳасидаги суверенитетини эътироф этмаслик мумкин эмас, бошқа томондан эса, халқаро қоидалар устуворлигини тан олиш зарурати у ёки бу мамлакатлар суверенитети соҳасига каттагина чекловчи таъсир кўрсатади.

Миллий ҳуқуқ ҳужжатларни давлатлараро шартномаларга мувофиқ тарзда муайян даражада бирхиллаштириш ҳозирги босқичда ушбу муаммонинг энг мақбул ечими ҳисобланади. Яъни халқаро ҳуқуқнинг қоида ва меъёрлари амалиётда миллий қонун ҳужжатлари орқали рўёбга чиқарилади. Ўзгартириш жараёнларининг кескинлиги Ўзбекистон миллий қонун ҳужжатларини халқаро стандартларга келтириш жараёнида муайян мураккабликларни юзага келтирди. Ушбу вазифа изчиллик билан, бир неча босқичларда ҳал этиб борилди. Ташқи иқтисодий фаолият соҳасига тааллуқли қонун ҳужжатлари ва меъёрий ҳужжатларнинг кўплигини эътиборга олиб, Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий тизимида кириши хусусиятларини кўриб чиқамиз.

Мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни эркинлаштириш ва чуқурлаштириш жараёни ташқи иқтисодий фаолиятни ҳуқуқий бошқариш стратегиясининг ўзига хосликларини ва ҳам минтақавий миқёсда, ҳам алоҳида мамлакатлар даражасида савдо-иқтисодий ҳамкорлигининг тегишли устуворликларини белгилаб берди.

90-йиллардаёқ қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги Қонуни мамлакатда ташқи иқтисодий фаолиятни ҳар томонлама мувофиқлаштиришда муҳим ўрин эгаллайди. Амалиётнинг кўрсатишича, бу қонун иқтисодиётни бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик усулларида бозор усулларида босқичма-босқич ўтиш, ташқи иқтисодий фаолиятни бошқариш шароитларида дастлабки босқичларда муҳим роль ўйнади. Бироқ, 90-

йилларнинг охирларида бошланган мамлакат иқтисодий эркинлаштириш жараёнлари ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этиш ва бошқариш олдида янгидан-янги талабларни қўя бошлади.

Бундан ташқари, Республикада ушбу Қонунга у ёки бу даражада дахлдор бўлган қатор Қонунлар қабул қилинди. «Валюта бошқаруви тўғрисида», «Хорижий инвестициялар тўғрисида», «Божхона тарифи тўғрисида», «Инвестиция фаолияти тўғрисида», «Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунлар шулар жумласидандир. Шу муносабат билан 2000 йилнинг май ойида Ўзбекистон Республикасининг «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги Қонуни янги тахрирда қабул қилинди, унда бу соҳада кейинчалик қонун яратиш фаолияти учун асос бўладиган ташқи иқтисодий фаолиятнинг концептуал асослари аниқ белгилаб берилди. Қонуннинг янги тахририда ташқи иқтисодий фаолиятни бошқаришнинг маъмурий усулларида иқтисодий усуллариининг устуворлиги методологик тамойил сифатида аниқ белгиланди ҳамда давлат ва унинг органларини ташқи иқтисодий фаолият субъектлари ишига ноқонуний аралашилари ман қилинди.

Қонуннинг янги тахрири моддалари мамлакат қонунчилигида юз берган ўзгаришларни, ташқи савдо режимини эркинлаштириш вазифаларини ҳамда бошқа тахририй тузатишлар ва қўшимчаларни ҳисобга олиб янгиланди. Ташқи иқтисодий фаолият моҳиятидан келиб чиқиб, янги тахрирда ташқи иқтисодий фаолият турларига аниқлик киритилди. Қонунчиликдан қўллаш амалиётида малакали фойдаланиш учун Қонундаги асосий атамалар ва тушунчаларнинг талқини берилди, улар халқаро ҳуқуқий дефинициялар билан мос келади.

Янги тахрирдаги Қонунга эркинлаштириш талабларига мос келувчи янги қоидалар киритилди, масалан, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларининг ўз ҳуқуқ ва манфаатларига тегишли ахборотларга эга бўлиш, хорижий жисмоний шахсларнинг Ўзбекистон ҳудудида корхоналар очиш ҳуқуқи, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларининг ҳакамликни ва

қўлланиладиган қонунчиликни танлаш ҳуқуқи. Ташқи иқтисодий фаолият субъектларини Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида рўйхатга олиш талаби чиқариб ташланди.

Давлат органларининг ваколатлари қисқа ва ноаниқ белгиланган Қонуннинг эски таҳриридан фарқли ҳолда, янги таҳрирда ташқи иқтисодий фаолиятни бошқариш учун масъул бўлган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Ташқи иқтисодий алоқалар инвестициялар ва савдо вазирлигининг асосий ваколатлари аниқ белгиланган.

Мамлакатнинг иқтисодий мустақиллиги ва хавфсизлиги ҳимоя қилиш устуворлиги концепциясини ривожлантира бориб, жаҳон амалиётида ва ГАТТ/ЖСТ битимларида ҳимоянинг аниқ чора ва усуллари назарда тутилган – ҳимоя, компенсация ва антидемпинг чоралари, олиб келинадиган товарларга техник, фитосанитар, экологик талаблар, экспорт-импортни тақиқлаш ва чеклаш чоралари киритилган. Бу ҳозирги босқичда Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг муҳим йўналишларидан бири – мамлакат экспорт салоҳиятини ривожлантириш, иқтисодий манфаатлар талаб қилганда чеклашларни жорий қилиш учун муҳимдир. У ташқи иқтисодий фаолият соҳасида базавий қонун ҳисобланади.

Қонуннинг янги таҳририда курол-яроғларни, ҳарбий техникани ва икки мақсадда ишлатишга мўлжалланган товарлар экспортини назорат қилишни бошқарувчи меъёрлар, шунингдек, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишнинг алоҳида тартибини бошқарувчи махсус моддалар киритилган. Шунингдек, ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг ҳуқуқларини кафолатлашга ва бурчларини белгилаб беришга бағишланган бўлими анча такомиллаштирилган.

Кейинги йилларда Ўзбекистон миллий иқтисодиёти субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини эркинлаштиришга қаратилган, шу жумладан, экспорт ва импорт операцияларини тарифлар воситасида ва тарифсиз бошқаришни тартибга солиш, экспорт маҳсулоти

ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга доир чора-тадбирлар кўрилди. Мазкур чораларнинг ҳаммаси имтиёзли тусда бўлиб, амалдаги ҳуқуқий меъёрлардан баъзи истисноларни тақозо этади. Бироқ улар шунчаки имтиёзлар тизими эмас, барча кўрсатилган имтиёзлар аниқ йўналишга эга: улар юқори даражада қайта ишланган экспорт маҳсулотини ишлаб чиқарадиган корхоналаргагина тадбиқ этилади, шу сабабли ундан савдо-воситачи ташкилотлар, хом ашё ресурсларини экспорт қилувчи ва шу каби бошқа ташкилотлар фойдалана олмайди.

Ҳақиқатда ўз маҳсулотини ишлаб чиқарувчи ва воситачи корхоналар учун экспорт-импорт, солиқлар воситасида тартибга солишнинг кўшалок тизими барпо этилди. Агар уларга макроиктисодий назария позицияларидан туриб қарайдиган бўлсак, ҳеч қандай фарқ бўлмаслики керак, лекин ўзгартириш жараёнларини амалда рўёбга чиқариш равон шароитларда эмас, балки ўтиш даври шароитларида юз бермоқда, шу сабабли Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан мазкур иқтисодий стратегия танланган. Айни ишлаб чиқарувчи корхоналар ва воситачи корхоналарнинг фаолият кўрсатиш шароитларини ажратиш жуда мақсадга мувофиқ чора бўлди, зеро ҳозирги бозор иқтисодиётининг узок вақт барқарор бўлиши худди шу ишлаб чиқарувчи тузилмаларга асосланади.

Хориж бозорларига, айниқса МДХ мамлакатлари бозорига чиқишга интилиб, ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланаётган микроиктисодий субъектларнинг ҳаммаси анчагина қулай ҳуқуқий шароитга эга бўлди. Шундай қилиб, ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳуқуқий аҳволининг фойдали жиҳатларидан амалда Республиканинг барча хужалик юритувчи субъектлари фойдалана олади, бинобарин, мулкчиликнинг исталган шаклидаги корхона ва фирмалар экспорт-импорт ва солиққа оид имтиёзлардан фойдаланиши учун ўзларининг асосий фаолиятларини тегишли тарзда қайта кура олади.

Табиийки, ўз маҳсулотининг фаол экспортини таъминлаш бозорнинг хорижий қатнашчилари билан ҳамкорлик қилишда янада реал бўлиб бормоқда. Шу сабабли, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари ва уларнинг

хорижлик шериклари учун қонун ҳужжатларини мувозанатлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг мамлакатимизга чет эл инвестициялари оқимини тартибга солувчи махсус қонунлари қабул қилинди, 1994 йилда қабул қилинган ана шундай йўналишдаги дастлабки қонун («Чет эл инвестициялари ва чет эллик инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»), шак-шубҳасиз, чет эл инвестицияларини жалб этиш ишида ижобий рол ўйнади, лекин хўжалик амалиётининг реал ҳолати уни янада такомиллаштиришни тақозо этди, шунинг учун унга муайян ўзгартиш ва қўшимчалар киритиб борилди (1994, 1995, 1997 йилларда).

1998 йилда Ўзбекистон Республикасида «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги янги Қонун амалиётга киритилди, у иқтисодий ривожланишнинг ўзгариб бораётган шароитларига жавоб беради, жаҳон ҳамжамиятида чет эллик инвесторлар ва чет эл инвестицияларига нисбатан қабул қилинган барча талаблар ва қоидаларни эътиборга олади.

Жаҳон ҳамжамиятида аллақачон тадбиркорликнинг миллий режимини хорижий қатнашчиларга татбиқ этиш қоидаси белгиловчи қоидага айланган. У бир қатор халқаро ҳужжатларда – Халқаро савдо палатасининг «Халқаро инвестициялар учун амал қилувчи қоидалар», Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг (ИХРТ) «Сармоя ҳаракатини эркинлаштириш кодекси» ва «Халқаро сармоя қўйилмалари ва кўп миллатли корхоналар тўғрисидаги декларация»сида мустаҳкамланган. Бундан ташқари, Жаҳон банки ва Халқаро валюта фонди «Чет эл инвестициялари режими тўғрисида амал қилувчи қоидалар»ни қабул қилди, унда чет эл сармоясини бирор бир мамлакатга киритиш қоидалари, режимни қўллашга доир стандартлар, сармоя ва фойдаларни ўтказиш тартиби, низоларни бартараф этиш қоида ва механизмлари, бир қанча бошқа жиҳатлар таърифланган.

«Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, Ўзбекистонда чет эл инвестицияларининг ғоятда кенг талқинидан фойдаланилмоқда. Булар барча турдаги моддий ва номоддий бойликлар ҳамда уларга доир ҳуқуқлардир. Қуйидагилар чет эл инвесторлари бўлиши

мумкин:

- хорижий давлатлар ва уларнинг маъмурий ёки ҳудудий органлари;
- халқаро оммавий ҳуқуқ субъектлари бўлган халқаро ташкилотлар;
- хорижий давлатларининг юридик ва жисмоний шахслари,

шунингдек чет элларда доимий яшайдиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари.

Ушбу талқинда, ёндашувнинг кенг ва комплекс тусдалиги туфайли, Республикага чет эл инвестицияларининг оқимини жиддий равишда кенгайтиришга шарт-шароит яратилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Қонуни чет эл сармоя қўйилмалари амалга оширилиши мумкин бўлган кўплаб шаклларни эътироф этади: улуш қўшиб қатнашиш, хўжалик жамиятлари ва ширкатлари, банklar, суғурта ташкилотлари ва бошқа корхоналарни барпо этиш, мол-мулк ва қимматли қоғозларни сотиб олиш, интеллектуал мулкка доир ҳуқуқларни киритиш, концессиялар олиш, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳалари объектларига, турар жой биноларига мулк ҳуқуқларини сотиб олиш, ерга, табиий ресурсларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқларини сотиб олиш, шунингдек Республика қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа шаклларни ўз ичига олади.

Мазкур Қонун ва ўз институтлари билан давлат чет эл инвесторларига Ўзбекистон Республикаси ҳудудида инвестиция фаолиятини амалга оширишлари пайида уларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини кафолатлайди. Моддаларнинг бирида шундай дейилади: “Чет эллик инвесторлар ва чет эл инвестициялари учун адолатли ва тенг ҳуқуқли режим, уларнинг тўлиқ ва доимий ҳимояси ҳамда ҳавфсизлиги таъминланади. Бундай режим Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида белгилаб қўйилган режимга қараганда ноқулайроқ бўлиши мумкин эмас.

Чет эл инвестицияларининг ҳуқуқий режими Ўзбекистон Республикаси юридик ва жисмоний шахслари томонидан амалга

ошириладиган инвестицияларнинг тегишли режимига қараганда ноқулайроқ бўлиши мумкин эмас”.

Шу билан бирга чет эл инвесторларига халқаро ҳуқуқ қоидаларига мувофиқ ҳолатда кенг ҳуқуқлар берилган, шу жумладан инвестициялашни амалга оширишнинг ҳажмлари, турлари ва йўналишларини мустақил белгилаш, инвестиция фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахслар билан шартномалар тузиш, ўзининг инвестицияларига ва инвестиция фаолиятининг натижаларига эгаллик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш эркинлиги.

Чет эл инвесторлари инвестиция фаолияти натижасида олинган ўзига қарашли ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналарини патентлаштириш тўғрисида мустақил равишда қарор қабул қиладилар, олинган даромадни мустақил тасарруф этади. Республикага кредит ва қарзлар тариқасида пул маблағларини жалб этиш, ўз ҳисоб варақларидаги миллий валюта маблағларидан ички валюта бозорида чет эл валютасини сотиб олиш учун фойдаланиш ҳуқуқига ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга эгадирлар.

Чет эл инвесторлари учун инвестиция фаолиятини амалга ошириш мақсадида ҳар қандай хорижий давлатнинг фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар билан меҳнат шартномаларини эркин тузиш имкониятлари яратилган. Улар бутун Ўзбекистон ҳудуди бўйлаб эркин ҳаракатлана олади, мамлакатимиз инвесторлари билан тенг ҳолда суғурта ҳимоясига бўлган ҳуқуқдан фойдаланади.

Чет эл инвесторлари учун айниқса шу нарса муҳимки, мазкур Қонуннинг ва бошқа қонун ҳужжатлари ёки халқаро шартномаларнинг қоидалари мувофиқ келмаган ҳолларда инвестиция фаолияти учун бирмунча қулай бўлган, бинобарин, инвесторларнинг манфаатларини ҳимоя қиладиган қоидалар устивор кучга эга бўлади. Айтиб ўтилган ҳуқуқлардан истиснолар арзимаган даражада ва улар фақат миллий хавфсизликни таъминлаш масалари билан боғланган, бу ҳол эса ҳар қандай давлатда табиийдир.

«Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Қонуннинг асосий қоидалари халқаро амалиётда қабул қилинган талабларга тўлиқ мувофиқ келади, зеро чет эл инвесторлари Республика ички бозорида мамлакатимиз инвесторлари билан тенг шароитларга қўйилган. Бироқ, шуни эътиборга олиш жоизки, ушбу Қонунга кўра, чет эллик инвесторлар Ўзбекистон ҳудудида чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни барпо этишлари ва уларга Республика қонун ҳужжатларига биноан тақдим этиладиган имтиёзлар тизимидан фойдаланишлари мумкин. Ушбу имтиёзлар, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 20 мартда қабул қилинган «Экспортга маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарни рағбатлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 1996 йил 31 майда қабул қилинган «Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни барпо этиш ва улар фаолиятини рағбатлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонларида ва бир қатор бошқа қонун ҳужжатларида таъкидланган.

Бозор ислохотлари янги стратегиясининг асосий йўналишларидан бири, ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солишни оптималлаштириш ҳисобланади. Мамлакатнинг иқтисодий мустақамланиши, барқарор ривожланиши, унинг жаҳон хўжалиги тизимига муваффақиятли интеграциялашуви кўп жиҳатдан давлатнинг барча кўринишидаги ташқи иқтисодий сиёсатни эркинлаштиришга боғлиқ.

Ташқи иқтисодий фаолиятни оқилона тартибга солиш иқтисодий ривожланишдаги давлат стратегиясининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатнинг ўзига хос ички ва ташқи шароитларини инобатга олган ҳолда, жаҳон бозорининг салбий ўзгаришларидан ҳимоя қилувчи, унда эгалланган мавқеларни сақлаб қолиш ва кенгайтиришни таъминловчи оптимал даражада протекционизм ва эркин савдо сиёсати қўлланилишини тақозо этади.

Ўтиш даври иқтисодиётини бошидан кечираётган мамлакат иқтисодий алоқаларини кенгайтириш учун давлатнинг ривожлантириш кафолати

сифатида фаол катнашувига зарурият туғилади. Бозор муносабатларига ўтишнинг илк босқичларида ташқи иқтисодий алоқаларнинг давлат томонидан тартибга солиниши айниқса муҳимдир. Бу эса, биринчи навбатда ташқи савдони ва ташқи иқтисодий фаолиятни бошқа шакллари тартибга солиш механизмларини ўзгарувчан ички ва ташқи шароитларга мунтазам мослаштириб боришни, яъни оқилона ташқи иқтисодий сиёсат юритишни талаб этади.

Ташқи иқтисодий фаолиятларни давлат томонидан тартибга солиш – бозор муносабатлари шаклланиши шароитида сиёсий ва ижтимоий иқтисодий ислохатлар самараси ва динамикасини ошириш мақсадида, мамлакат ички ва ташқи иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган, жумладан ташқи иқтисодий мувозанатни таъминлаш, экспорт ва импорт таркибида прогрессив силжишларни рағбатлантириш, хорижий капиталлар оқимини кучайтиришга йўнатирилган ваколатли давлат ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган қонунчилик, ижроия ва назорат қилиш йўналишидаги чора-тадбирлар тизимидир.

Бу ташқи иқтисодий сиёсатнинг энг умумий таърифидир. Ушбу таърифни аниқлаштириш учун ташқи иқтисодий сиёсат давлат ички ва ташқи сиёсатининг таркибий қисми эканлигини таъкидлаш жоиздир.

Биринчидан, ўтиш даври шароитида ташқи иқтисодий сиёсат янги иқтисодий уклад шаклланишининг муҳим омили, иқтисодий ҳаётнинг бозор муносабатларига монанд илғор шакллари барпо этишнинг воситаси ҳисобланади ва қатъий марказлаштирилган режали иқтисодиётнинг нодинамик, қотиб қолган шакллари кескин фарқ қилади. У иқтисодий, маъмурий чора-тадбирлардан фойдаланиб, ички иқтисодий сиёсатнинг қуйидаги бир қатор асосий вазифаларини ҳал этишга йўналтирилган:

- Миллий иқтисодиётнинг ҳар томонлама ривожланишини рағбатлантириш, унинг рақобатдошлигини таъминлаш;
- Ички бозорни ҳимоя қилиш;

- Таркибий қайта ўзгаришлар амалга оширилишига кўмаклашиш;
- Мамлакат ҳудудларидаги ресурслардан фойдаланиш ва хоказолар.

Иккинчидан, пухта ўйланган ва мувозанатли ташқи иқтисодий сиёсат давлат ташқи сиёсатининг ажралмас қисми сифатида мамлакатнинг ташқи иқтисодий манфаатларини таъминлаш ва амалга ошириш мақсадларига хизмат қилади, миллий иқтисодиётни жаҳон бозорларидан ҳимоя қилишга, унинг жаҳон ҳўжалигига уйғунлашиши учун фаол кўмаклашишга йўналтирилгандир.

Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий сиёсати жаҳондаги сиёсий ва ижтимоий–иқтисодий шарт–шароитлар нисбатан тез ўзгараётганлигини ҳисобга олиб, жўшқин, ҳаракатчан, мослашувчан бўлиши зарур. Айни вақтда, республикамиз жаҳон ҳўжалигига қўшилаётган бир шароитда, гап иқтисодий суверенитет, ватан иқтисодиётини рағбатлантириш, мамлакатнинг туб манфаатларига риоя қилиш тўғрисида борар экан, бунинг учун етарлича барқарор бўлиши талаб этилади. Бунга ташқи иқтисодий сиёсат ўз ривожланишининг илмий асосланган концепциясига таянганидагина эришиш мумкин.

Шундай қилиб, ташқи иқтисодий сиёсат – бу давлатнинг ташқи иқтисодий алоқаларини тартибга солиш орқали мамлакатнинг ишлаб чиқариш омиллари халқаро тақсимоотида қатнашуви самарасини оширишга қаратилган муайян ҳаракатлар мажмуидир. Унинг асосий кўринишлари ташқи савдо сиёсати (алоҳида экспорт ва импорт сиёсатини ўз ичига олади), ташқи сармоялар сиёсати, валюта муносабатларини тартибга солиш сиёсатидан иборат. Бундан ташқари, алоҳида олинган давлатлар ва минтақалар билан ташқи иқтисодий операцияларни жуғрофий жиҳатдан мувозанлаштириш масалаларини ҳам ташқи иқтисодий сиёсат ҳал этадики, бу ҳол, ўз навбатида, мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш билан боғланган.

Ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш деганда, энг аввало, ташқи иқтисодий алоқалар қатнашувчиларининг эркинлиги ва иқтисодий мустақиллигини ошириш, ташқи савдони тартибга солиш маъмурий услубларининг маълум қадар қисқариши, мавжуд тўсиқ ва ғовларнинг бартараф қилиниши тушунилади. Бу мутлақо муқаррар, ички иқтисодий муносабатлар эркинлашувининг мантиқий натижаларидир. Самарали бозор механизми фақатгина жаҳон бозор муносабатлари билан узвий алоқада ташкил қилинган бўлиши мумкин. Яна бунда энг муҳими турли мамлакатлар иқтисодий ва ҳуқуқий шакллариининг маълум даражада ўхшашлигидир. ташқи иқтисодий сиёсатни эркинлаштириш ислохотларни амалга ошириш имкониятларини кенгайтиради, ўтиш даври иқтисодиёти масалалари ечимини тезлаштиради.

Бундай эркинлаштиришнинг асосий шакллари – хорижий инвестицияларнинг мамлакатга кириб келишини кенгайтириш, ташқи иқтисодий алоқаларнинг давлат томонидан марказлашган ҳолда бошқарилишига барҳам бериш, импорт қилиш жараёнидаги ортиқча тўсиқларни олиб ташлаш, экспортни ривожланишини фаоллаштириш, миллий валютанинг конвертация қилинишини таъминлашдир.

Бу шакллар жаҳон тажрибаси кўрсатганидек, амалдаги бозор механизмларини кучайтиради. Бироқ улар тўлиқ ҳолда хатто ривожланган бозор иқтисодиётида ҳам қўлланилмайди. Миллий ишлаб чиқаришни ҳимоя қилган ҳолда, давлат маълум чекланишларни ўрнатади, божхона тарифларидан кенг фойдаланади, турли хил таъқиқларни киритади ва ҳоказолар. Бозор механизми энди шаклланаётган, мавжуд ишлаб чиқариш тизими бозор шароитларига ҳали тўлиқ мослашмаган ўтиш даври иқтисодиётда давлатнинг роли янада муҳимдир.

Шунинг учун ўтиш даври иқтисодиётида ташқи иқтисодий алоқаларни эркинлаштириш сиёсати ички миллий ишлаб чиқаришни ривожлантиришга зарар келтирмагани ҳолда, мамлакатда бозор муносабатларининг тезкор

ривожланишини ва унинг жаҳон хўжалигига уйғун қўшилишини мақбул даражада таъминлаши зарур.

Молиявий капитал бозорининг очиклик даражаси алоҳида масала сифатида кўриб чиқилиши мумкин. Шак-шубҳасиз очиклик даражаси биринчи навбатда инвестицияларни бевосита жалб қилишни таъминлаши зарур. Бирок портфел инвестициялар шунингдек, ўрта ва қисқа муддатли кредитларни жалб этиш анча мураккаб масала. Шу билан бирга, кредит ва фонд ресурслари эркин ҳаракатининг мушкуллаштирилиши, табиийки, миллий хўжалик имкониятларини чеклайди.

Валюта бозорининг эркинлаштирилиши миллий валютанинг конвертация қилиниши, авваламбор, жорий операциялар бўйича конвертация қилинишини таъминлашни билдиради. Валюта бозорининг тўлиқ либераллашуви, албатта, капитал ҳисоби бўйича конвертация қилинишини ҳам кўзда тутди. Бироқ, молиявий тизим самараси паст бўлган мамлакатлар валютанинг тўлиқ конвертация қилинишига шошилмасликлари мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки йилларида ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда на зарурий институтларга, на етарли мутахассисларга, на самарали ўрнатилган алоқаларга эга эди. Шунинг учун бошланғич босқичда ўз ташқи иқтисодий сиёсатини ишлаб чиқиш ва юргизишда катта қийинчиликларга дуч келди. Босқичма–босқич амалга оширилаётган эркинлаштириш натижасида Ўзбекистон ташқи савдо режими халқаро амалиёт меъёрларига ва талабларига борган сари яқинлашмоқда: лицензиялаштириладиган товарлар рўйхати қисқарди; миқдорий чеклашлар борган сари тарифлар асосида тартибга солинмоқда; эркин конвертация қилинадиган валюта ўзи ишлаб чиқарган рақобатдош тайёр маҳсулотларни экспорт килувчи корхоналар учун, шунингдек, хорижий инвестицияларни ишлаб чиқариш соҳаси, айниқса катта экспорт салоҳиятига эга бўлган тармоқларга жалб қилишни рағбатлантирувчи имтиёзлар тизими узлуксиз равишда такомиллашиб бормоқда. Инвестицион қўйилмаларни суғурта

қилиш тизими ривожланиб бормокда, молиялаштиришнинг энг мураккаб схемаларини қўллаш асосида инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш учун зарур бўлган молиявий инфратузилмалар шаклланмокда.

1.3Тўқимачилик саноати маҳсулотлари экспорт салоҳиятини оширишда сифат менежменти тизимининг ўрни

Ҳозирги кун бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш эркинлаштирилаётган даврда маҳсулот экспорт салоҳиятини таъминлашнинг энг асосий муҳим жиҳатларидан бири маҳсулот сифати даражаси кўрсаткичларини яхшилашдир. Чунки сифат корхонанинг обрўси ва янада гуллаши ҳамда сифатни бошқариш - бу, барча ходимлар, раҳбардан тортиб аниқ иш бажарувчи учун ишнинг аввали ва охиридир. Шу туфайли давлатнинг иқтисодий, шу жумладан, тўқимачилик саноати сиёсатида сифат масаласи муҳим ўрин эгаллайди. Маҳсулот сифатини ошириш - бу, маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳажми ва миқдори, маҳсулотни ишлаб чиқаришга сарф бўладиган ресурсларни тежаш, ижтимоий ва шахсий эҳтиёжларни тўлароқ ҳамда мукамалроқ қондириш масаласи ҳисобланади. Яъни, корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулот энг юқори техникавий - иқтисодий ва эстетик ҳамда бошқа бир қатор талабларга мувофиқ келиши, жаҳон бозорида рақобат қилиш қобилиятига эга бўлиши керак[28].

"Маҳсулот сифатини бошқариш - маҳсулот сифати даражасини жорий қилиш, таяминлаш ва зарурий даражада ушлаб туриш мақсадида лойиҳалаш, тайёрлаш ва фойдаланиш (ёки истеъмол қилиш) пайтида амага ошириладиган ҳаракатлар мажмуасидир"

Сифатнинг зарурий даражасини жорий этиш- маҳсулотни ишлаб чиқаришга мақсад қилиш ва лойиҳалаш босқичида мамлакатдаги ва хориждаги энг илғор илмий техникавий ютуқлар таҳлили асосида ишлаб чиқилади ва амалга оширилади. Сифатини бошқаришнинг бу босқичида режалаштирилаётган маҳсулотнинг техникавий - иқтисодий фойдаланиш

кўрсаткичлари ҳисобланади. Бу босқичда шу нарсага эътибор бериш керакки, ҳисобланган кўрсаткичлар истемолчиларнинг эртанги кун талабларига мослаштирилиши керак, чунки режалаштирилаётган маҳсулотни ишлаб чиқариш ва бозорга чиққунча унинг сифат кўрсаткичлари маънавий эскириб қолиши мумкин.

Маҳсулот сифатини таъминлаш- корхона режалаштираётган маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида, яъни ишлаб чиқариш босқичида амалга оширилади. Бу босқичда маҳсулот сифати маҳсулотни тайёрлаш меъёрий - техникавий ҳужжатлар, машина ва аппаратлар, ёрдамчи ускуна ва асбоблар, ишлатиладиган хом - ашё тури ва ёрдамчи материаллар ҳамда бошқа бир қатор ишлатиладиган буюмларнинг сифати билан аниқланади. Олинган натижа, яъни ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот сифатининг техникавий - иқтисодий кўрсаткичлари лойиҳа ҳужжатларидаги кўрсаткичларига мувофиқлиги текширилади. Агар тайёр маҳсулот натижа кўрсаткичлари билан лойиҳа ҳужжатларидаги кўрсаткичларга мувофиқлиги аниқланмаса(яъни, тайёр маҳсулот натижа кўрсаткичлари паст бўлса), йўл кўйилган камчиликлар шу босқичнинг ўзида бартараф этилади.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг сифатини сақлаб туриш- айланиш ва сотиш, фойдаланиш ёки истеъмол қилиш босқичида амалга оширилади. Маҳсулотнинг айланиш ва сотиш жараёнидаги сифатини сақлаб туриш, сифатнинг сақлаш ва транспортлаш кўрсаткичлари натижалари йиғилади. Фойдаланиш ёки истеъмол қилиш жараёнидаги маҳсулот сифатини сақлаб туриш маҳсулотнинг илова қилинган техникавий ҳужжатларида қайд қилинган кўрсаткичларга амал қилиш ҳамда фойдаланувчининг малакасига боғлиқдир.

Юқорида айтиб ўтилган босқичлар маҳсулотнинг ҳаётий циклини ташкил қилади ҳамда Фойдаланиш ёки истеъмол қилиш босқичидаги муддати сифатнинг зарурий даражасини жорий этиш ва маҳсулот сифатини таъминлаш босқичида, айланиш ва сотиш босқичида эришилган сифат даражаларига боғлиқдир[46].

Маҳсулот сифатни зарурий даражасини жорий қилиш, таъминлаш ва сақлаб туришнинг асосий босқичларини тавсифловчи "сифат сиртмоғи" мавжуд. Бу босқичларга:

- маҳсулотга бўлган талаблар ва маҳсулотнинг сифатини олдиндан кўра билиш;
- илмий - техникавий тараққиёт ютуқларини ҳисобга олиб, сифат даражасини шакллантириш;
- меъёрий- техникавий ҳужжатларни тайёрлаш;
- корхона имкониятларини таҳлил қилиш;
- сифатли хом - ашё, материаллар билан моддий - техникавий таъминлаш;
- ишлаб чиқаришни техникавий тайёрлаш, технологик жараёнларни ишлаб чиқиш, машина ва аппаратлар, асбоб ва ускуналар билан таъминлаш;
- тегишли меъёрий - техникавий ҳужжатлар ва андозаларга мувофиқ маҳсулотни ишлаб чиқариш;
- ишлаб чиқарилган маҳсулотни тайёрланиш сифатини аниқлаш;
- маҳсулотни омборларда сақлаш, транспортлаш ва сотиш жараёнларида сифатини сақлаб қолиш;
- фойдаланувчилар ва истеъмолчиларнинг маҳсулот сифати билан қониққанлик даражасини аниқлаш ҳамда баҳолаш.

Демак, корхона ишлаб чиқараётган маҳсулот сифатини таъминлаш фаолияти маҳсулотни сотиш жараёнида эмас, асосан уни ишлаб чиқариш фаолияти жараёнида таъминлаш самаралироқ бўлар экан. Хўш маҳсулот сифатини ишлаб чиқариш жараёнида таъминлаш керак бўлса, унда нималарга эътибор бериш керак ҳамда корхона бу жараёнда нима ишлар қилиши керак.

Бизга маълумки, сифат - кўпгина тасодифий, маҳаллий ва субъектив омиллар таъсирида бўлади. Бу омилларнинг маҳсулот сифатига кўрсатадиган таъсирининг олдини олиш учун сифатни бошқариш тизими зарур. Сифатни бошқариш тизимини шундай ташкил этиш керакки, унда айрим уюшмаган ва тасодифий ҳаракатлар эмас, балки мунтазам кетма - кетлик асосида

сифатнинг тегишли даражасини сақлаб туриш мақсадида махсулотни яратиш жараёнига ҳар доим таъсир қилиш чоралари мажмуаси керак бўлади[31].

Сифатни бошқаришда тизим, муҳит, мақсад, дастур ва бошқа тушунчалардан фойдаланиши муқаррар. Бунда бошқарувчи ва бошқарилувчи тизимлар ажратилади. Бошқарилувчи тизим ташкилот (корхона ва бошқа тузилмалар) ни бошқаришнинг турли даражаларидан иборат. Бошқарувчи тизим сифат менежментини яратади. Замонавий адабиёт ва амалиётда сифат менежментининг қуйдаги концепциялари қўлланади:

- сифат тизими (Quality system);
- сифатни бошқаришга асосланга, менежмент тизими (Quality Driver Management System);
- умумий сифатни бошқариш (Total Quality Management);
- сифатни таъминлаш (Quality Assurance);
- сифатни бошқариш (Quality Control);
- сифатни статистик назорати (Statistical Quality Control);
- сифатни таъминлаш тизими (Quality Assurance System);
- махсулотни кафолатлаш (Product Assurance);
- умумий ишлаб чиқариш менежменти (Total Manufacturing Management);
- илгор ишлаб чиқариш мажрибаси (Good Manufacturing Practices);
- ишлаб чиқариш ресурсларини бошқариш тизими (Environmental Management System);
- "биз безовтамиз" тизими (We Care);
- "маъсул шахслар безовталиги" тизими (Responsible Care);
- атроф - муҳитни муҳофаза қилиш доирасидаги умумий сифат менежменти (Environmental TQM);
- ишлаб чиқаришни умумий таъминлаш (Total Manufacturing Assurance);
- жараёнлаш интеграллашган менежменти (Integral Process Management);
- сифатни яхшлаш мақсадидаги менежмент (Management for Quality

Improvement);

- сифат ва унумдорликни тўла (умумий, тотал) бошқариш (Total Quality and Productivity Management);

- интегралашган сифат менеджменти (Integrated Management);

- узлуксиз яхшилашларни татбиқ этиш тизими (Continues Improvement Implementation System);

- сифатни тўла ислох қилиш (Total Quality Transformation);

- сифат тизими менеджменти (Quality System Management);

Сифат менеджментининг бошқа концепциялари ҳам мавжуд. Биз сифатни бошқариш объектидек тушуниш учун зарур булан кичкина қисмини келтирдик, холос. Келтирилган концепциялар TQM услубиятида сифатнинг турли муаммоларини ечишда қўлланадиган турли усуллар қўринишида акс эттиради. Бошқариш тизими олий бўгин раҳбарларидан бошланади. Айнан олий бўгин раҳбарлари фирма олдингидан кўпрокка қодир деган стратегиядан келик чиқиши керак. Фирманинг ташкилий тузилмасида сифатни бошқариш бўйича ишларни мувофиқлаштирувчи махсус бўлинмалар назарда тутилиши мумкин. Сифатни бошқариш функциялари бўлинмалар уртасида тақсимланиши фирма фаолиятига ҳамда унинг хусусиятлариган боғлиқ.

Менеджмент объекти бўлмиш сифатга менеджментнинг барча таркибий қисмлари хос: режалаштириш; таҳлил; назорат.

Замонавий сифат менеджменти сифатни бошқариш ҳамда консултантлар дастурлари бўйича хорижий корпорациялар бажарган тадқиқотлар натижаларига асосланган. Бу "Хьюлетт-Паккард" кабий машҳур корпорациялар тажрибасидир. 1980 йилларда бу ва қатор бошқа фирмалар сиёсатида Ф.Б. Кросби, У.Э. Деминг, А.В. Фейгейбаун, К. Исикава, Дж. М. Джуран ишланмалари таъсир қилган.

Етакчи фирмалар фаолиятининг асослари қуйдагилар бўлиб қолди:

- олий бўгин раҳбалари манфаатдорлиги;

- иш сифатини яхшилаш бўйича кенгаш ташкил қилиш;

- барча раҳбарлар таркибини ишни яхшилаш жараёнига жалб қилиш;

- жамоа иштирокини таъминлаш;
- тизимларни такомиллаштирувчи гуруҳларни яратиш (жараёнларни бошқарувчи гуруҳлар);
- таъминловчиларни тулароқ жалб қилиш;
- бошқариш тизимларни ишлаш сифатини таъминлаш;
- ишни яхшилашнинг қисқа муддатли режалари ва узок муддатли стратегияларини ишлаб чиқиш ва амалга ошиш;
- хизматларни тан олиш тизимини яратиш.

Айниқса, бошқариш тизимлари ишлаш сифатини таъминлаш йўналишида тўхталиб ўтиш керак. Сифатни бошқариш бўйича консультантлар сифат ва ишончилиқни бошқарувчи хизматлар ҳаракат ва ресурсларни, муаммоларини аниқлаш ва хатоларни тўғрилашга йўналтирганларига эътибор беришган. Натижада оғишлар бўйича бошқариш тизими шаклланган, Бу тизим хатоларга жавоб қайтарган, лекин профилактик чора-тадбирларга ҳамда ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган булинмаларга муносиб баҳо бермаган. Сифатни таъминлаш фирманинг ишлаб чиқариш-хужалик фаолиятини бошқарувчи тизимларга боғлиқ деган хулоса чиқарилган.

Сифат бўйича етакчи консултантлардан бири Ф. Кросби раҳбатлантириш тизими муҳимлигига эътиборни жалб қилди. Ходимлар хизматларини тан олиш ва юксак натижаларга эришишга кизиктириш замонавий сифат менежментининг таркиби қисмидир[48].

1951 йилда Деминг мукофоти ҳақида низом ишлаб чиқилди ва у умумий сифатни бошқариш (TQC) модели асосига ётди. Бу модель экспертларнинг кенг доирасидан тушадиган маълумотни мунтазам таҳлилини ва сифатга янгича қарашни назарда тутди. Деминг мукофоти япония сифатига эришишига катта рол ўйнади. Кейинроқ 1987 йилда АКШ да Малколим Балдридж номидаги мукофот таъсис қилинди. М. Балдридж мукофоти моделининг ривожини бизнес натижалари ва жамиятга қилган таъсирни баҳоловчи Европа сифат мукофоти бўлди.

Бозор иктисодиётида фаолият кўрсатаётган корхона маҳсулот сифатини таъминлаш соҳасидаги сиёсатини шундай ифода қилиши керакки, у фақат ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатига эмас, балки корхонанинг ҳар бир яъни, раҳбардан тортиб аниқ иш бажарувчи фаолиятига дахлдор бўлиши керак. Корхонанинг бу сиёсатини амалга ошириш жараёнида иш сифати андозалари даражаси ва сифатни таъминлаш тизимининг жиҳатлари аниқ белгиланади. Бунда берилган сифатли маҳсулот истеъмолчига маълум муддатларда, маълум ҳажмда ва макбул нархда етказилиб берилиши керак.

Бошқарувчи таъсирлар сифатни бошқариш тизимида иккита масалани ечиши мумкин:

- бошқарилаётган жараёни бошқариш дастури жорий қилган ҳолатда сақлаб туриш, яъни ишлаб чиқариш тизими режалаштирилган сифат даражасида маҳсулот чиқаришни барқарор ҳолатда сақлаб туриш;

- бошқарилаётган жараён ҳолатини тўғрилаб туриш, яъни ишлаб чиқариш тизимини замонавийлаштирилган ёки юқорирок техникавий даражали ва сифатни янги маҳсулот чиқаришни таъминлайдиган юқорирок даражага кўтариш.

Маҳсулот сифатини бошқариш жараёни куйидаги операция (ҳаракат) лардан иборат:

- сифатни бошқариш дастурлари ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишни режалаштириш;

- маҳсулот сифатига таъсир қилувчи ҳар қандай бошқарилаётган жараён ҳолати ҳақида ахборот олиш ва уни таҳлил қилиш;

- сифатни бошқаришга оид қарорлар қабул қилиш ва объектга қилинадиган бошқарувчи таъсирларни тайёрлаш;

- бошқарувчи таъсирлар юзага келтирган маҳсулот сифати кўрсаткичларининг ўзгаришлари ҳақида информация олиш ва уни таҳлил қилиш;

- биринчи канал маҳсулоти яратиш ва ишлаб чиқариш даражасида ишлайди (ишлаб чиқариш корхонадаги сифат назорати);

-иккинчи канал фойдаланиш доирасидаги маҳсулот сифати хақида маълумотни узатади.

Ташкилий омиллар гуруҳига:

- ишнинг мунтазамлиги ва бир маромдалиги;
- жихозларга техник хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш;
- материал, жамловчи буюмлар, ускуналар, асбоблар, назорат воситалари ва техникавий хужжатлар билан таъминланганлик;
- меҳнатни илмий ташкил қилиш; ишни, олишни ташкил этиш.

Сифат менежменти тизими:

Корхона ишлаб чиқараётган маҳсулоти сифатини таъминлаш учун "сифат менежменти тизими"ни уз фаолиятига мослаб ишлаб чиқиши, хужжатларда расмийлаштириш, сифат менежменти тизимининг ишчи фаолиятини таъминлаш, ҳамда ҳар доим олинган натижаларни қабул қилинган стандартларга мослигини таъминлаши керак. Бунинг учун корхона қуйидагиларни таъминлаши керак:

- а) сифат менежменти тизимини ишлаб чиқиш, ҳамда корхона фаолиятига тадбик этиш;
- б) жараёнларнинг таъсирини ва кетма-кетлигини белгилаш;
- в) жараёнларни бошқариш методлари ва критерийларини белгилаш, ҳамда натижавийлигини таъминлаш;
- г) жараёнлар тўғрисида тўлиқ маълумот олиш учун керак бўлган ресурс ва ахборотлар билан таъминлаш;
- е) жарёнлар тўғрисида олинган натижаларни таҳлил қилиш ва яхшилаш бўйича қарорлар қабул қилиш[54].

Ҳар қандай бошқариш тизими ўзининг иш самарадорлигини аниқловчи бошқариш мезонларига эгаллиги бизга маълум ҳисобланади. Шунинг учун бизнинг муаммоимизда ҳам, яъни маҳсулот сифати даражаси кўрсаткичларини яхшилаш, маълум эҳтиёжларни қондириш қобилияти билан тавсифланади.

1-боб бўйича хулоса

1. Ташқи иқтисодий сиёсат – бу давлатнинг ташқи иқтисодий алоқаларини тартибга солиш орқали мамлакатнинг ишлаб чиқариш омиллари халқаро тақсимоотида қатнашуви самарасини оширишга қаратилган муайян ҳаракатлар мажмуидир.

2. Ташқи иқтисодий алоқалар – иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва фаолиятнинг бошқа соҳаларида давлат ва унинг субъектлари халқаро ҳамкорлигининг хилма-хил шакллари тизимидир.

3. Экспорт – товар, хизматлар, интеллектуал мулк натижалари, шу жумладан уларга доир мутлақ ҳуқуқларни божхона ҳудудидан хорижга қайтариб олиб келиш мажбуриятисиз олиб чиқишдир.

4. Импорт – товарлар, ишлар, хизматлар, интеллектуал фаолият натижаларини, шу жумладан уларга доир давқулодда ҳуқуқларни божхона ҳудудига қайтариб олиб чиқиш мажбуриятисиз олиб келишдир.

5. Экспорт тарифидан (у саноати ривожланган мамлакатларда қўлланилмайди) изчил воз кечиш ташқи савдодан бюджет даромадларини кўпайтиришни таъминлайдиган экспорт фаолиятини рағбатлантириш билан сўзсиз бирга олиб борилиши керак.

6. Экспортни тартибга солиш экспорт божларидан фойдаланиш йўли билан эмас, балки жаҳон амалиётида умумий қабул қилинган прогрессив солиқ солиш тизими орқали амалга оширилиши лозим.

7. Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, очик бозор иқтисодиётига ҳаракатланиш шароитида экспорт салоҳиятини ривожлантириш ва миллий экспортчига ҳар томонлама кўмак бериш самарали ташқи иқтисодий фаолиятнинг асоси ва мамлакат иқтисодий хавфсизлигининг гарови бўлиб хизмат қилади.

8. Фақат экспортни ривожлантириш орқали ҳаёт учун муҳим товарлар импортини қисқартирмасдан туриб савдо балансининг мусбат сальдосига эришиш мумкин.

2-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИНГ ТАҲЛИЛИ

2. 1. Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо ривожланиши ҳолатининг таҳлили

Ўзбекистон Республикасида самарали ташқи савдо сиёсатини олиб борилиши натижасида, ташқи бозорда конъюнктуранинг ёмонлашувига қарамадан, 2013 йилда ташқи савдо айланмаси 21,4 фоизга ошди, айтилган вақтда товарлар ва хизматлар экспорти 28,7 фоизга ортди. Натижада ташқи савдо балансида ижобий салдо ҳажми сезиларли даражада ўсди. Бу эса ишончли тўлов баланси ва иқтисодийтимиз барқарорлигининг муҳим кўрсаткичи бўлиб хизмат қилмоқда.

Ташқи савдо таркибида чуқур ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Кейинги йиллар мобайнида экспорт таркибида рақобатдош тайёр маҳсулот салмоғининг барқарор ўсиш тенденцияси ва хомашё етказиб берувчи тармоқлар маҳсулотлари улушининг камайиб бораётгани яққол кўзга ташланмоқда. 2013 йилда умумий экспорт ҳажмида хомашё бўлмаган товарларнинг улуши 71 фоиздан зиёдни ташкил этди. Айтилган вақтда Ўзбекистон учун анъанавий экспорт хомашёси бўлган пахта толасининг бу борадаги улуши 2008 йилдаги 20 фоиздан 2013 йилда 12 фоизга тушди.

Таъкидлаш керакки, ташқи савдо муносабатларимиз географияси, аввало, ривожланиб бораётган Осиё қитъаси бозорлари билан савдо айланмасининг ўсиши ҳисобидан сифат жиҳатидан ўзгармоқда.

Бу кўрсаткичларнинг барчаси, аввало, экспорт таркибида юқори қўшимча қийматга эга бўлган рақобатдош тайёр маҳсулот улушининг изчил ошиши, биринчи навбатда, иқтисодийтимизнинг ўсиб бораётган салоҳияти ва имкониятларидан далолат беради. Шу билан бирга, бундай ҳолат экспортимизнинг хомашё ресурслари нархи тез-тез ўзгариб турадиган жаҳон бозори таъсирига боғлиқлигини камайтиришда муҳим йўналиш бўлиб хизмат қилади.

Жаҳон иқтисодий инқироzi давом этаётган ҳозирги шароитда бундай ўзгариш айниқса муҳим аҳамиятга эга. Нега деганда, бугунги кунда экспорт асосан хомашё етказиб беришдан иборат бўлиб, дунё бозоридаги нарх-наво ўйинларига ҳаддан ташқари боғланиб қолаётгани айрим мамлакатларда валюта тушумларини камайтирадиган, молиявий барқарорликнинг ёмонлашувига олиб келадиган, иқтисодиётни издан чиқарадиган жиддий факторга айланмоқда.

Шунингдек ўтган йиллар давомида республикада ташқи савдо айланмаси таҳлилини кўриб чиқадиган бўлсак, юртимизда 2013 йили экспорт ҳажмининг ўсиш суръати импортга нисбатан сезиларли даражада юқори бўлди. Жаҳон бозоридаги конъюнктуранинг беқарорлигига қарамасдан, 2013 йилда экспорт ҳажмининг ўсиши 10,9 фоиздан иборат бўлди. Ташқи савдо фаолиятидаги ижобий сальдо 1 миллиард 300 миллион долларни ташкил этди. 2013 йилда қимматбаҳо металллар нархининг кескин пасайганига қарамасдан, мамлакатимиз олтин-валюта захираси ўтган йил давомида 2 фоизга кўпайди.

Сўнгги йилларда экспорт таркибида рақобатдош тайёр маҳсулотлар улуши барқарор суръатлар билан ўсиб бораётгани яққол кўзга ташланмоқда. 2013 йилда умумий экспорт ҳажмининг 72 фоиздан ортиғи тайёр товарлар ҳиссасига тўғри келди.

2013 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2000 йилга нисбатан 2,3 баробар кўпайди. Фақат ўтган йилнинг ўзида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 6,8 фоизга, жумладан, деҳқончилик – 6,4 фоизга, чорвачилик – 7,4 фоизга ўсди.

Айтиш керакки, изчил юқори ўсиш суръатлари билан бирга, ялпи ички маҳсулотнинг умумий ҳажмида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улушининг камайиш тенденцияси кузатилмоқда. Масалан, 2000 йилда бу борадаги кўрсаткич 30,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2013 йилда фақатгина 16,8 фоизни ташкил этди.

Йил давомида машина ва асбоб-ускуналар, электротехника маҳсулотлари экспорти 1,5 баробар, кимё саноати маҳсулотлари 1,6 баробар, фарматсевтика маҳсулотлари 1,5 баробар, тўқимачилик маҳсулотлари 1,2 баробар, қурилиш материаллари 2 баробар, мева-сабзавот маҳсулотлари эса 1,6 баробар ошди.

Хизматлар, айниқса, транспорт ва телекоммуникация хизматлари экспорти юксак суръатлар билан ўсиб бормоқда.

Ташқи савдо юklarини ташиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, янги транспорт йўлакларини очиш, республикамиз транзит салоҳиятини кескин кучайтириш бўйича аниқ чора-тадбирлар амалга оширилди.

2013 йилда Инвестиция дастурини амалга ошириш доирасида мамлакатимизда 13 миллиард доллар қийматидаги капитал қўйилмалар ўзлаштирилди, бу 2012 йилга нисбатан 11,3 фоизга кўпдир. Ўзлаштирилган капитал қўйилмалар умумий ҳажмининг деярли ярмини, яъни 47 фоизини хусусий инвестициялар – корхоналар ва аҳолининг шахсий маблағлари ташкил этгани алоҳида эътиборга лойиқдир.

Жалб этилаётган инвестицияларнинг асосий қисми – 70 фоиздан ортиғи, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш объектларини қуришга йўналтирилди, энг янги замонавий ускуналар харид қилишга сарфланган инвестициялар улуши эса қарийб 40 фоизни ташкил этди. Умуман олганда, мамлакатимиз иқтисодиётига инвестиция киритиш ҳажми ялпи ички маҳсулотга нисбатан 23 фоиздан иборат бўлди.

Ўзлаштирилган умумий капитал қўйилмалар ҳажмининг 3 миллиард доллардан ортиғини хорижий инвестициялар ташкил этди. Шунинг 72 фоиздан зиёди ёки 2 миллиард 200 миллион доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир.

2013 йилда Инвестиция дастури доирасида молиялашнинг барча манбалари ҳисобидан умумий қиймати қарийб 2 миллиард 700 миллион доллардан иборат бўлган 150 та ишлаб чиқариш йўналишидаги лойиҳани амалга ошириш ишлари ниҳоясига етказилди. Булар қаторида Тошкент

иссиқлик электр марказида когенерацион газ турбинали технологияни жорий этиш; Жанубий Ўртабулоқ – Муборак газни қайта ишлаш заводи газ қувурини ва компрессор станциясини барпо этиш орқали Сомонтепа ва Жанубий Ўртабулоқ конларини тўлиқ жиҳозлаш; «Ангрен» конини модернизация қилиш орқали Янги Ангрен иссиқлик электр станциясининг 1-5-энергия блокларини йил давомида кўмир билан ишлашга ўтказиш; «Ангрен» махсус индустриал зонаси ҳудудида «Оҳангарон» подстанциясини реконструкция қилиш, «Бекобод цемент» очик акциядорлик жамиятида янги линия қуриш ҳисобидан фаолият кўрсатаётган цемент ишлаб чиқариш жараёнини модернизация қилиш, “Қуюв-механика заводи” шўъба корхонасида металл қуйишни реконструкция қилинди.

Шу билан бирга, Тошкент ва Наманган вилоятларида замонавий тўқимачилик комплекслари, Жиззах ва Хоразм вилоятларида йигирув ва тўқув, Самарқанд вилоятида спорт пойабзаллари ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилди.

2013 йилда махсус зонадаги корхоналар томонидан қиймати 100 миллиард сўмдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилди ва бу борадаги ўсиш суръати 2012 йилга нисбатан 25,8 фоизни ташкил этди.

2013 йилда хорижий инвестициялар иштирокида 7000 дан зиёд янги корхона барпо этилди.

Қўшма корхоналар биринчи галда юксак технологияга асосланган тармоқларда – енгил, озиқ-овқат, электротехника, кимё ва нефткимё, машинасозлик, қурилиш материаллари саноатида, телекоммуникация ва ахборот технологиялари соҳасида ташкил этилаётгани эътиборга лойиқдир.

Ҳозирги кунда республикамиз ташқи савдо айланмасининг учдан бир қисми хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ҳиссасига тўғри келмоқда ва уларнинг экспорт ҳажмидаги улуши ўтган йили 60 фоизни ташкил этди.

Ташқи савдо кўрсаткичларининг ҳудудий таркибида МДХ давлатлари билан савдо муносабатлари яхшиланганлиги кузатилди. (1.1 -жадвал).

1.1 -жадвал

Ташқи савдо айланмасида экспорт ва импорт улушининг ўзгариши (%да)

кўрсаткичлар	Йиллар				
	2008	2009	2010	2011	2012
Ташқи савдо айланмаси	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
МДХ мамлакатлари					
Бошқа мамлакатлар	31,6	28,8	35,8	43,2	49,2
	78,4	71,2	64,2	56,8	50,8
Экспорт					
МДХ мамлакатлари	26,0	31,5	31,8	42,0	47,5
Бошқа мамлакатлар	74,0	68,5	68,2	58,0	52,5
Импорт					
МДХ мамлакатлари	38,3	38,6	41,1	44,8	52,0
Бошқа мамлакатлар	61,7	61,4	58,9	55,2	48,0

Манба: Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси 2012й. Тошкент. 2013 й.

Қаралаётган даврда узок хорижий малакатлар билан товар айирбошлаш 7,2 млрд.АҚШ долларига тенг бўлди ва 1,1 баробарга ошди. МДХ давлатларидаги савдо ҳамкорлари билан ташқи савдо айланмасининг улуши таҳлил қилинаёиган даврда 2011 йилдаги 43,2 фоиздан 49,2 фоизга ошди. Хорижий мамлакатлар билан эса 56,8 фоиздан 50,8 фоизга камайди.

Шунингдек, ташқи савдо айланмасида экспорт ҳажми МДХ давлатлари билан 2011 йилда 42,0 %ни 2012 йилда 47,5 %ни ташкил қилиб 5,5 % га ўсганлигини кўришимиз мумкин. Хорижий мамлакатларга экспорт улуши эса 2011 йилда 58,0 % ва 2012 йилда 52,5% яъни 5,5 %га камайдиган. Бундай тенденция бутун таҳлил қилаётган давр мабойнида сақланиб қолди. 2012 йилнинг бошларида МДХ давлатларига озиқ-овқат маҳсулотлари, машина ва асбоб-ускуналар, рангли металлларни етказиб бериш ҳажми ошди. Хорижий

мамлакатларга эса пахта толаси, кимё маҳсулотлари, озиқ-овқат маҳсулотлари ва рангли металлларни экспорт қилиш ҳажмининг энг юқори бўлиши кузатилди. Бироқ, аввалгидек, МДХ давлатлари озиқ-овқат маҳсулотлари, энергия иашувчилар, машина ва ускуналар сотиш учун, хорижий мамлакатлар эса пахта толаси, кимё маҳсулотлари, рангли металллар учун анъанавий бозор бўлиб қолмоқда.

Мамлакатга кириб келаётган импорт маҳсулотларини ҳам ҳудудий ўзгариши кузатилди. Аниқроғи 2008 йилда МДХ мамлакатларига импорт ҳажми 38,3 % бўлган бўлса, 2012 йилда бу кўрсаткич 52 % га ташкил этди. Хорижий давлатлар импорт улуши 2008 йилда 61,7 фоиз дан 2012 йилда 48,0 фоизга камайди. 2011 йилдага кўрсаткичга нисбатан жорий йилда 6,8 фоиз камайиш кузатилди. МДХ давлатлари энергия ташувчилар, кора ва рангли металллар бўйича , хорижий мамлакатлар эса озиқ-овқат товарлари, машина ва асбоб-ускуналар, хизматлар бўйича асосий етказиб берувчилар бўлиб қолди.

Тайёр маҳсулот ва хизматларнинг экспортдаги улуши унинг жами ҳажмининг 50% дан кўпроғини ташкил этди. Бу ҳолат мустақиллик йилларида (1.2- жадвал) ташқи савдо балансида энг юқори -3,7 млрд.дан ортиқ АҚШ доллари ҳажмидаги ижобий сальдо бўлишига имкон яратди. Натижада, республиканинг олтин-валюта захиралари 3,7 баробарга кўпайди, бу энг аввало, ташқи бозор ўзгаришларига нисбатан иқтисодийетимиз барқарорлигининг мустаҳкамлигидан далолат беради.

2012 йилда барча товарлар гуруҳлари бўйича экспорт ҳажмининг ўсиши кузатилди. Хомашё маҳсулотларига нисбатан хомашё бўлмаган маҳсулотлар экспортининг сезиларли ўсиши кузатилди. Хомашё бўлмаган маҳсулотлар гуруҳи экспортдан фарқли равишда, 2012 йилнинг хомашё маҳсулотлари экспорти учун қулай келди. Айниқса, энергия ресурслари экспортининг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан юқори суръатда ўсганлигини алоҳида такидлаш лозим.

1.2-жадвал

2008-2012 йилларда Ўзбекистон экспорти таркиби(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)

Товарлар гуруҳи	Йиллар				
	2008	2009	2010	2011	2012
Пахта толаси	19,8	18,1	19,1	17,2	12,5
Озиқ –овқат	2,7	3,8	3,8	7,9	8,5
Кимё маҳсулотлари, пластмассалар ва улардан тайёрланган маҳсулотлар	3,1	5,3	8,2	12,8	14,8
Энергия ресурслар	9,8	12,4	11,5	13,1	20,2
Рангли ва қора металллар	6,4	8,6	9,2	12,9	11,5
Машина ва ускуналар	5,9	7,4	8,4	10,1	10,4
Хизматлар	14,4	11,8	12,2	12,1	10,7
Бошқалар	37,9	33,2	30,5	21,1	19,4
Жами	100	100,0	100,0	100,0	100,0

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари. 2013й.

Ноорганик кимё маҳсулотлари, ўғитлар, парфюмерия ва косметика воситалари, пластмассалар, дон маҳсулотлари, сабзавотлар, мевалар,ун ва ёрма маҳсулотлари, автомобиллар каби товарлар бўйича экспорт ҳажми ошди. Енгил саноат маҳсулотлари орасида трикатаж кийим-кечаклар ва ипак газламаларнинг экспорт ҳажми сезиларли даражада ўсди.

Хизматлар экспортининг ҳажми 2011 йилдагига нисбатан 11,6 %га камайди. Хизматлар бўйича жами экспортнинг 68,7%ини транспорт хизматлари, жумладан 50% дан ортиғини темир йўл ва ҳаво транспорти ташкил этди.

2012 йилда кам улушга эга бўлган хизматлар сифати -0,1%ни, компьютер ва ахборотлар хизматлари - 0,1% ва юридик, бухгалтерия,

маслаҳатчилик ва бошқарув хизматлари – 0,2 % миқдорида юзага келди. Гарчи медицина хизматларининг улуши унчалик кўп бўлмасада 0,3 % айнан ушбу гуруҳда юқори ўсиш суръати қайд этилди – 225%.

2012 йилда импортнинг товарлар бўйича таркибида ҳам ижобий ўзгаришлар юзага келди. Импорт таркибининг янада оптималлашуви, республикада ишлаб чиқарилмайдиган ва корхоналарнинг ишлаб чиқариш жараёни учун муҳим саналган маҳсулотлар импорти ҳажмининг ошишини, яъни фақатгина машина ва асбоб –ускуналар импорти ўсди холос.

2008 йилдан 2011 йил орлиғида кимё маҳсулотлари жами импорт таркибида 12,8 % дан 15,0 % гача ўсиш кузатилган эди 2012 йилда ушбу кўрсаткич 0,2 %га камайганлиги кузатилди. Ўтган йиллар мабойнида энг катта ўсиш энергия ташувчилар гуруҳида қайд этилган эди .2010 йилни 2009 йил билан таққослаганда 27,9 %га ўсганлиги кузатилди.Бироқ,жами импорт ҳажмидаги улуши бўйича ҳалигача асосий ўринни машина ва асбоб-ускуналар гуруҳи эгаллайди ва 2012 йилда жами импорт ҳажмининг 46,6 фоизини ташкил этди.

1.3-жадвал

2008-2012 йилларда Ўзбекистон импорти таркиби (умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)

	Йиллар				
Товарлар гуруҳи	2008	2009	2010	2011	2012
Озиқ –овқат	9,9	6,8	7,0	8,1	7,9
Кимё маҳсулотлари, пластмасса маҳсулотлари	12,8	12,5	13,6	15,0	14,8
Энергия ресурслар	2,7	2,1	2,5	4,3	3,3
Рангли ва қора металллар	7,9	10,3	10,3	10,4	8,3
Машина ва ускуналар	44,4	46,0	43,3	40,3	46,6
Хизматлар	10,3	11,1	10,4	9,1	7,4
Бошқалар	12,1	11,2	12,9	12,8	12,0

Жами	100	100	100	100	100
------	-----	-----	-----	-----	-----

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари. 2013 йил
Кимё маҳсулотлари жами импорт ҳажмидаги улуши 14,8%ни, озиқ-
овқат маҳсулотлари эса 7,9 %ни ташкил қилди. Озиқ-овқат маҳсулотлари
2008 йилда жами импорт маҳсулотларини улушини 9,9 %ни ташкил қилган
эди. 2009 йилдан бошлаб бу кўрсаткич камая бошлади ва жорий йилда 7,9
%ни ташкил этди. Ўтган давр давомида озиқ-овқат маҳсулотлари
импортининг асосан шакар ва қандолатчилик маҳсулотлари, ун ва ёрма
саноати маҳсулотлари ҳажмининг ўсиши ҳисобига ошиши кузатилган эди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, кейинги йилларда ташқи савдо
айланмасининг ҳудудий таркибида сезиларли ўзгаришлар содир бўлди. МДХ
мамлакатларига йўналтирилган республика ташқи савдоси географияси
кенгайиб бормоқда. Республиканинг ташқи савдо алоқалари йўналишларини
мустақил белгиланиши узок хориж ҳамда МДХ мамлакатлари бозорлари
ўртасида республика товар оқимининг қайта тақсимланиши ва ҳозирги ҳолга
келишининг асосий сабаби бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг қўшни давлатларга қилган экспортининг таркибини
асосан ёнилғи маҳсулотлари, кимё маҳсулотлари, қора метал, озиқ-овқат
маҳсулотлари ва машина-ускуна маҳсулотлари ташкил этади. Уларнинг
ичида эса ёнилғи маҳсулотларининг салмоғи каттадир. Мазкур йилда ёнилғи
маҳсулотлари Қозоғистонга қилинган экспортнинг 83%ни, Қирғизистонга
қилинган экспортнинг 78%ни, Тожикистонга қилинган экспортнинг 50%ни,
Туркманистонга қилинган экспортнинг 47%ни ташкил этади. Умуман
олганда, давлатлар орасидаги ўзаро савдо айланишининг асосини ҳам ашё
маҳсулотлари ташкил этмоқда. Жаҳон бозорида ҳам ашёга бўлган талаб
эластиклик даражасининг жуда пастилиги минтақадаги давлатларнинг
миллий иқтисодийлари барқарорлигига таҳдид солади. Бу эса давлатларга
келаётган хорижий сармоядорларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин

Марказий Осиё давлатлари минтақавий иқтисодий интеграцияни
ривожлантириш учун бор салоҳиятларидан фойдалана олмаптилар. Улар

катта эътибор бермаётган саноатлар қаторига машинасозлик, текстиль, кимё, кишлоқ хўжалиги сингари тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш саноатини айтиб ўтиш мумкин.

Марказий Осиё минтақасида жойлашган давлатлар орасидаги маҳсулот айланмасининг тушиб боришига бир нечта иқтисодий омиллар таъсир кўрсатмоқда. Биринчидан, давлатларнинг импортни ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқариш сиёсатини қўлланиши бўлса, иккинчидан, уларнинг минтақада жойлашмаган бошқа давлатлар билан ўзаро боғлиқлик даражасини ошиб боришидир. Учинчи омил эса, давлатлар орасидаги солиқ, тариф ва валюта соҳасидаги келишмовчиликлар ва бошқа ташқи савдодаги божхона тўсиқларининг ошиб бораётганидир.

Ўзбекистон интеграция жараёнларида фаол иштирок этиши учун қуйидаги муаммоларни ҳал қилишимиз даркор:

- экспорт структурасида тайёр маҳсулот ҳажмини ошириш керак. Бунинг учун эса миллий иқтисодиётимизга сармоя жойламоқчи бўлган маҳаллий ва хорижий тадбиркорларга турли ҳилдаги енгиллилар яратишимиз зарур;

- экспортни молиялаш, кредитлаш ва суғурталаш сингари экспортёрларга ёрдам берувчи давлат рағбат тизимини ташкил қилиш керак;

- божхона тизимидан камситувчи (дискриминацион) тўсиқларни олиб ташлаш орқали самарали савдо режимини ташкил этиш керак;

Юқорида келтирилган халқаро савдо тўсиқларини бирданига олиб ташлаш ҳам яхши натижалар бермайди. Чунки қисқа муддатда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар рақобатни тез суръатларда ривожланиб кетиши, улар томондан ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг бозорларда ўтмай қолиши сингари турли муаммоларга дуч келишилари мумкин. Шунинг учун, авваломбор, давлатлар томондан интеграциялашувининг аниқ режалари ишлаб чиқиши керак. Ундан кейин эса бу режани аста-секин амалга оширган мақулроқдир.

МДХ доирасидаги ҳамкорликнинг иқтисодий таҳлиллари билан шуни кўрсатмоқдаки, МДХ давлатлари билан иккиёқлама ва шунингдек ҳар

томонлама олиб борилаётган иқтисодий муносабатларнинг барча соҳаларида тенг ҳуқуқли ҳақорлик қилиш учун барча имкониятлар мавжуд эканлигини кўрсатмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, кейинги йилларда ташқи савдо айланмасининг ҳудудий таркибида сезиларли ўзгаришлар содир бўлди. МДХ мамлакатларига йўналтирилган республика ташқи савдоси географияси кенгайиб бормоқда. Республиканинг ташқи савдо алоқалари йўналишларини мустақил белгиланиши узоқ хориж ҳамда МДХ мамлакатлари бозорлари ўртасида республика товар оқимининг қайта тақсимланиши ва ҳозирги ҳолга келишининг асосий сабаби бўлиб ҳисобланади.

1.4--жадвалда келтирилган маълумотлар Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмасида дунё мамлакатларини улушини кўришимиз мумкин.

Экспорт бўйича ўнта давлат бутун йил давомида етакчи савдо ҳамкорлари бўлишди: Россиянинг улуши – 28,4 % (2011 йилга нисбатан 139,7%), Қозоғистон – 8,4 % (163,3), Украина 7,7% (169,0 %), Хитой – 5,3% (102,0%), Туркия 5,3 (100,0%), Корея Республикаси -4,1 % (82,2%), Эрон – 4,1 (88,7%) Швецария -3,0% (6,4 маротаба), Германия -2,3 % (84,9 %), Франция -2,3 (2,4 маротаба). Ҳиндистон ва Бельгияга экспорт ҳажмининг камайиб кетганлигини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим. Товар айирбошлаш бўйича ижобий сальдонинг юқори кўрсаткичларига Россия, Қозоғистон, Германия, Эрон давлатларига тўғри келди

Умуман 2012 йилда 2011 йилда эришилган ташқи савдони ривожлантириш кўрсаткичлари янада яхшиланди. Экспорт ва импортнинг товарлар бўйича таркибида сифат ўзгаришлари давом этди.

Юқори кўшилган қийматга эга бўлган товарларни экспорт қилишнинг янада ўсиши, импорт таркибининг янада оптималлашуви кузатилди. МДХ даги ҳамкорлар билан савдо алоқалари яхшиланди. Товар айирбошлашнинг фаол сальдоси ўсди.

Юқоридагилардан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, республикада ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштиришга, импорт ўрнини босувчи

товарлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, экспортни рағбатлантиришга йўналтирилган сиёсат ташқи фаолият соҳасида ижобий ўзгаришларга олиб келди. Бундай сиёсатнинг натижасида мамлакатнинг экспорт салоҳияти ва рақобатбардошлиги ошиб бормоқда.

МДХ ёрдамида катта йўқотишларсиз янги мустақил давлатларнинг ўзаро ҳамкорлик қилишлари учун ҳуқуқий ва ташкилий шароитлар ҳам яратиб берилмоқда. Жаҳон иқтисодиётида МДХ муҳим тизим бўлиб қолаверади. Унда 12 та давлат, умумий ва шунингдек миллий давлат манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ўзаро фойдали ҳамкорликни амалга ошириши мумкин.

1.4-жадвал

Республика ташқи савдо айланмасида дунё мамлакатларининг улуши

Мамлакатлар	2011 йил	2012 йил	2012 йилда 2011 йилга нисбатан ўсиши (% ,да)
Россия	26,2	28,4	139,7
Казахстан	6,7	8,4	163,3
Украина	5,7	7,5	169,0
Туркия	6,7	5,3	100,6
Хитой	6,5	5,3	102,0
Корея Республикаси	5,7	4,1	82,2
Иран	6,1	4,1	88,7
Швецария	0,6	3,0	6,4 р.
Германия	3,0	2,3	84,9
Франция	1,2	2,3	2,4р
Таджикистан	1,7	1,5	111,8
АҚШ	2,3	1,4	79,1
Қирғизистон	1,0	1,2	158,3
Буюк Британия	2,4	1,1	61,9
Латвия	0,9	0,9	139,3
Беларуссия	0,7	0,8	164,6
Туркменистан	0,4	0,6	187,1
Ҳиндистон	0,6	0,5	104,7
Япония	0,7	0,5	95,5
Австралия	0,4	0,5	144,2
Азербайджан	0,5	0,4	106,0
Нидерландия	0,4	0,4	135,1
Италия	0,5	0,4	109,9
Бельгия	0,4	0,3	89,6

Манба: Манба: Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси 2012 й.Тошкент. 2013й.
Давлатлараро ҳамкорликнинг ўзаро иқтисодий муносабатлари МДХ
доирасидаги асосий йўналишлардан бири ҳисобланиб, улар қуйидагилардир:

- МДХ доирасида мақсадлар амалга ошгунга қадар интеграцияга сакраб ўтмасдан, балки босқичма – босқич ишлаб чиқариш эркин савдо зонасини ташкил қилиш;
- МДХ доирасида савдо – иқтисодий ҳамкорлик соҳасидаги салоҳиятни кўтариш;
- МДХ доирасида товарларнинг эркин ҳаракатини таъминлаш ва бошқалар;
- МДХ кординатор ва ахборотчи ролини ўйнаб, барча аъзо давлатлар учун юқори даражадаги ижтимоий – сиёсий ва маданий хўжалик натижаларига эришиш мақсадида иқтисодий жараёнларни тартибга солувчи платформага айланиши мақсадга мувофиқдир.

Ушбу жараёнлар МДХ давлатларининг жаҳон хўжалик тизимида босқичма – босқич киришига имкон беради. Бунда самарали фаолият юритаётган эркин савдо зонасининг яратилиши МДХ да тўлақонли бозор инфратузилмасини ва хўжалик ҳамкорлигини юқори босқичларга ўтишнинг шаклланишида объектив зарурият касб этди. МДХга аъзо давлатлар жаҳон хўжалик алоқаларида ҳамда иқтисодий ҳамнафаслик даражасига боғлиқ ҳолда интеграцион жараёнларнинг кейинги босқичларида ва минтақавий бирлашмаларида қатнашиш тўғрисида мустақил қарорлар қабул қилишади. қабул қилинган қарорларнинг амалий бажарилиши эса МДХ доирасида самарали ҳамкорликда намоён бўлади.

2.2 Тўқимачилик маҳсулотлари экспорт салоҳиятини белгиловчи омиллар таҳлили

Тўқимачилик маҳсулотлари экспорт салоҳиятини оширишда маркетинг тадқиқотлари омили муҳим ўрин тутди.

Маркетинг тадқиқотлари самарали ишлаши учун товар ишлаб чиқарувчи биринчи навбатда бозорни ўрганиб, ўз товарига мос ёки бозорга мос товар ишлаб чиқариши кераклигини юқорида айтиб утилди. Бунинг учун у бозор сегментациясини амалга ошириши керак. Бозор сегментацияси — бу бозорнинг бир бўлаги бўлиб, у иқтисоди интизоми бўйича тавсифланувчи бир хил сотиб олувчилар гуруҳини ажратади. Махсус изланишлар натижасида шу жараён даврида сотиб олиниши сабаби маҳсулот сифати, унинг савдо хизмати, боғлиқ. Самарадорлик кўрсаткичларини аниқ ҳисоби ташқи бозордаги операциянинг турига, унинг мақсадига, шартига ва аниқ шартноманинг бошқа хусусиятларига боғлиқ[24].

Бозор иқтисодиётида тўқимачилик саноатида марказлашган режалаштириш органларининг камайиши, шохлаб кетган ва мураккаб алоқаларни шакллантиришда ва қўллаб қувватлашда мустақил ҳаракатланишни талаб қилади. Шунга кўра, тўқимачилик саноатини ривожлантиришнинг самарали режаларини ишлаб чиқариш учун бозор сегментациясининг усулларини ишлатиш зарур.

Бозор сегментацияси - бу тўқимачилик саноати маҳсулоти истеъмолчиларининг ва сотувчиларининг бозорда ўзининг талаблари ва реакцияси билан ажралиб турадиган томонлари бўйича ва сегментларга тақсимлаш жараёнидир. Савдо соҳасида маркетинг концепцияси сотувчилар маҳсулотни ҳар хил ишлатишидан ва уни ҳар хил мотивациялардан келиб чиққан ҳолда сотиб олишидан келиб чиқади. Тўқимачилик саноати ишлаб чиқариш ва савдо - сотиқ фаолиятининг аниқ истеъмолчиларнинг талабларига максимал даражада мослашишига ўтиш зарур. Истеъмолчилар бозори сегментациясининг асосий мақсади барча истеъмолчиларни имкони борида бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришга гуруҳлаш керак.

Истеъмолчилар бозорининг сегменти бир қатор талабларга жавоб бериши керак:

1. Ҳар бир сегмент аниқ тасвирланган бўлиши керак.
2. Ҳар бир сегмента истеъмолчиларнинг специфик талабларини

аниклаб олиш зарур.

3. Истеъмолчиларнинг специфик характеристикаларини аниқлаш зарур.

4. Истеъмолчиларнинг белгилаб кўйилган сегменти ишлаб чиқарилган маҳсулот истеъмолчилар талабини қондириш учун кетган харажатларни қоплаш мақсадида етарли даражада катта бўлиши керак.

5. Сегмент корхона ишлаб чиқараётган маҳсулотни сотиши учун мос келиши керак

Истеъмолчилар бозори сегментациясининг бир нечта критериялари мавжуд. Товарнинг чакана савдоси учун одатда демографик, оилаларнинг турмуш тарзи, ижтимоий ҳолат, турмуш тарзи каби омилларни ишлатишади. Лекин, тўқимачилик саноати маҳсулотининг каттагина қисми чакана савдо бозорининг сегментациясининг усулларида фарқли ўлароқ ишлаб чиқаришга мўлжалланган товар сифатида реализация қилинади. Ишлаб чиқариш учун мўлжалланган товарнинг харидорлари иқтисодий ва ижтимоий оқибатларни инобатга олган ҳолда, чуқур мантикий анализ асосида ечимлар қабул қиладилар. Истеъмолчиларнинг спецификацияси истеъмолчи - корхоналарнинг ўлчами ва иқтисодий аҳволидан келиб чиққан ҳолда аниқланади[57].

Ишлаб чиқариш учун мўлжалланган товарларнинг сотувчиларининг ҳулқини кўрсатувчи омилларга қуйидагилар киради:

1. Маҳсулотни ҳарактерловчи факторлар:

- маҳсулот етказилиб берилиш вақтининг омили;
- битимни баҳоловчи таваккалчилик;
- тижорат битимининг тури.

2. Корхонани тавсифловчи омиллар:

- корхона соҳаси;
- корхона қуввати;
- бошқарувнинг марказлашган даражаси.

Ишлаб чиқаришга мўлжалланган товарлар бозори сегментациясининг умумий критериялари куйидагилардир:


- бозорнинг товар ва бўшлиқ структураси;
- маҳсулот тақсимланишининг, савдоларни ташкил қилиш усуллари ва битимлар тузишнинг структураси;
- истеъмол мақсади;
- харидорларнинг ҳарактеристикаси.

Шунингдек, бозор сегментациясининг асосига куйидаги принциплар киритилиши мумкин:

- ҳар бир географик ҳудуднинг эҳтиёжини ва иқлимини ҳисобга олувчи географик принциплар;
- демографик;
- буюртмачининг тури;
- маҳсулотни ишлатишнинг йўналиши.

Таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги кунда тўқимачилик саноатида асосан 1, 2 ва 4 принциплар ишлатилмоқда. Лекин, бизга маълумки, ишлаб чиқаришга мўлжалланган товарни экспорт қилишдан кўра тайёр маҳсулотни экспорт қилиш мамлакатга валюта тушумини оширади. Буни куйидаги жадвалдан кўриш мумкин: (19-расм)

Бу мисол бизга тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришдаги афзалликни кўрсатиб турибдики. Шундай экан, бу маҳсулотни чиқаришдан олдин унга мое келадиган бозорни излаб топиш керак. Бу ҳам ўз навбатида бозор сегментациясини ўтказишни талаб қилади.



2.1-расм. Хом ашё ва тайёр маҳсулотни сотишда фойдалилик даражасининг ўзгариши

«Ўзбекенгилсаноат» уюшмасининг экспорт структурасида қуйидаги сегментацияни кўришимиз мумкин (2.1-жадвал)

2.1-жадвал

«Ўзбекенгилсаноат» уюшмаси 2013 йил бўйича экспортининг структураси

Импортёр мамлакатлар	Экспорт қилинган маҳсулот ҳажми, минг АҚШ доллари	Нисбий ҳажми, %
Европа мамлакатлари	8201	10
Туркия	98412	12
Жанубий Корея	41005	5
МДХ	61507,5	7,5
Россия	442854	54
Хитой	65608	8
Бошқа давлатлар	36949,6	4,5
Жами:	820100	100

«Ўзбекенгилсаноат» маҳсулоти экспортининг бозор сегментацияси 2013 йилда экспорт қилинган маҳсулотнинг кўпроқ ҳажмини, яъни 54 %и Россия мамлакатлари, нисбатан камроқ ҳажмини эса, яъни 5 %ини, Жанубий Корея ташкил қилганлигини кўрсатмоқда. Маҳсулот савдоси бозорининг сегментациясининг қурилиши маркетинг бўлимига маҳсулот ассортиментини режалаштириш ва унинг рақобатбардошлигини ошириш бўйича ишларда йўналишларни кўрсатиб беради. Бунинг учун потенциал

харидорларнинг сўровлари, товарнинг истеъмол хусусиятлари зарур. Юқорида кўрсатилган талабларни қондириш учун ҳар бир ҳудуднинг географик сегментациясини ўрганиш керак.

2.1-расмда пахта толаси, калава ип ва тайёр трикотаж буюмлари экспорти натижасида олинган валюта тушумининг ўсиши диаграммаси келтирилган. Ушбу диаграммадан тайёр маҳсулотнинг экспорти ярим тайёр маҳсулотлар экспортига нисбатан самаралироқ бўлишини кўришимиз мумкин. Лекин бу ерда шуни ҳам таъкидлаш жоизки, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга интилгани сари, ушбу маҳсулот сифатига бўлган талаб ортиб боради. Бу эса ишлаб чиқарувчидан кўшимча маблағ ва меҳнат талаб этади.

Қисқача қилиб айтганда, тўқимачилик ва енгил саноат корхоналари экспортининг иқтисодий самарадорлигини ошириш учун мазкур саноатда мавжуд бўлган ишлаб чиқаришни, иложи борица тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришига йўналтиришимиз лозим.

Келтирилган маълумотлар асосида, ҳозирги пайтда Ўзбекистонда тўқимачилик саноати ва маҳсулоти келгусида ҳорижий мамлакатларнинг ишлаб чиқарувчилари ва товарлар билан бемалол рақобатлаша олиши учун асос яратилаётганлигини айтишимиз мумкин.

Тўқимачилик маҳсулотлари экспорт салоҳиятини оширишда тўғридан-тўғри ҳорижий инвестицияларни жорий этиш, улар иштирокида юқори технологик қўшма корхоналарни ташкил этиш омили муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистон мустақиллигига эришгандан сўнг мерос сифатида эски хом ашёни дастлабки ишлаб техника-технологияси сақланиб қолган эди. Албатта, бундай технологияларни қўллаш орқали ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг сифати янги талабларга жавоб бермасди, керакли ассортиментдаги маҳсулотлар номенклатурасини ва халқаро стандартларга жавоб берадиган маҳсулот ишлаб чиқариш имконини яратмасди.

Жаҳон тажрибасига кўра бу масалани ечишнинг асосий йўли сифатида иқтисодга инвестициялар оқимини таъминлаш ҳисобланади. Ҳорижий ва маҳаллий инвестициялар орқали хўжалик тармоқларига янги асбоб-

ускуналар, жиҳоз-дастгохлар, бошқаришнинг янги усуллари ва замонавий билимларга эга экспертларнинг кириб келиши таъминланади.

Чет эл инвесторларни жалб этиш ва инвестиция муҳитини шакллантириш учун республикада бир қанча ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011 йил Давлат инвестиция Дастури тўғрисида”ги ПҚ-1455 сонли қарорига мувофиқ “Ўзбекенгилсаноат” ДАК томонидан 2011 йилда 28 та лойиҳа бўйича жами 149,84 млн. долларга тенг бўлган инвестицияларни ўзлаштирилди.

Бундан ташқари, 2012 йилда 29 та ортиқ йирик ишлаб чиқариш корхонасини қуриш якунланди ва фойдаланишга топширилди. Қўқон шаҳрида “Индорама” компанияси билан ҳамкорликда якуний ишлаб чиқариш шаклига эга бўлган тўқимачилик комплекси, шунингдек, умумий қуввати 30 минг тонна калава ишлаб чиқаришдан иборат бўлган яна бир қатор тўқимачилик комплекслари каби муҳим объектлар шулар жумласидандир.

Индорама, Сингапур инвестиция лойиҳасига 55 млн. долл. жалб этилган бўлиб, 550 та иш ўринлари яратилди, экспорт ҳажми эса 32 млн. долларни ташкил этади.

Тошкент вилоятида ТТГ, Корея компанияси билан ҳамкорликдаги инвестиция лойиҳаси 2011-2012 йилларга режалаштирилган бўлиб, жалб этиладиган инвестиция ҳажми 70 млн. долларни ташкил этди. Йилига 10 минг тн. калава ипидан тайёр газлама ва тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, 1250 та янги иш ўринлари ташкил этилади. Йиллик экспорт ҳажми 45 млн. долларни ташкил этади.

2010-2011 йилларда Тошкент шаҳрида БО Групп, Туркия компанияси билан ҳамкорликда йиғириш-тўқиш корхонасига лойиҳасига 17 млн. долл. жалб этилиб, йилига 5 минг тн. калава ипидан тайёр газламалар ишлаб чиқарилади. Бунда 300 та янги иш ўринлари яратилиб, йиллик экспорт ҳажми 10 млн. долларни ташкил этади.

2011-2013 йилларда Бухоро шаҳрида Санфлаг Групп, Буюк Британия компаниялари билан ҳамкорликда йиғириш, тўқиш ва тикувчилик корхонасига 53 млн. долл. инвестиция жалб этилиб, йилига 20 минг тн. толадан тайёр газлама ва тикувчилик буюмлари ишлаб чиқарилади. Бунда 450 та янги иш ўринлари ташкил этилди.

2011-2015 йилларда Тошкент шаҳрида “РИТЕР Ўзбекистон-Швейцария” инвестиция лойиҳасига кўра тўқимачилик дастгоҳлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона ташкил этишга 2,0 млн. долл. инвестиция жалб этилади.


2011-2015 йилларда тўқимачилик саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари дастурида кўзда тутилган лойиҳалар ҳисобига ип-калава ишлаб чиқариш ҳажми 345,9 минг тоннага, ип, ипак газлама ишлаб чиқариш ҳажми 211,6 млн. кв.м.га, тўқимачилик мато ишлаб чиқариш 245,7 минг тоннага, тикув-тўқимачилик маҳсулотлари ҳажми 227,1 млн. донага, пайпоқ маҳсулотлари эса 72,5 млн. жуфтга ортади (2.2 -жадвал).

2.2 -жадвал

2013-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси тўқимачилик саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари дастурида кўзда тутилган лойиҳаларнинг умумий параметрлари


№	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	2015 йилгача яратиладиган ишлаб чиқариш қувватлари
1.	Ип-калава	минг тонна	345,9
2.	Ип, ипак газлама	млн. кв.м.	211, 6
3.	Тўқимачилик мато	минг тонна	245,7
4.	Тикув-тўқимачилик маҳсулотлари	млн. дона	227,1
5.	Пайпоқ маҳсулотлари	млн. жуфт	72,5

Ушбу диаграммадан шуни айтишимиз мумкинки, ижтимоий соҳага, кичик ва ўрта бизнесга инвестицияларнинг асосий қисми кириб келяпти, таъкидлашимиз лозимки, тўқимачилик ва енгил саноат корхоналарига ҳам жалб қилинаётган инвестициялар миқдори йилдан йилга ошиб бормоқда.



2.2-расм. Тармоқлар бўйича чет эл инвестициялари 2013 йил

Буни биз ДАК "Ўзбекенгилсаноат" корхоналари мисолида кўришимиз мумкин. Уларнинг миқдори 2013 йил 820,1 млн. АҚШ долларида ортиқроқдир. (2.3-расм)



2.3-расм. "Ўзбекенгилсаноат ДАК корхоналарига киритилган чет эл инвестициялари (млн. АҚШ доллари)

2000 йилга кадар тармоқга 37,37 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестициялаш амалга оширилган, 2000 йили бу кўрсаткич 119,2 млн. АҚШ долларини ташкил этган бу эса 3,19 марта ошган.

2009 йилида эса бу кўрсаткич 385,1 млн. АҚШ долларига ошган; 2010 ва 2011 йилларда эса олдинги даврга нисбатан бу кўрсаткич 118,97% ва 107,53% ларни мос равишда ташкил этган. 2012 йилини натижаларига кўра тармоқга 705,3 млн. АҚШ доллари қийматли инвестициялар жалб килинган бўлиб, 2011 йилга нисбатан 1,4 марта ортган. 2013 йили инвестициялар миқдори 326,28% га ошган ва 820,1 млн. АҚШ долларини ташкил қилган.

Тармоқга инвестицияларнинг кириб келиши маълум шарт-шароитларнинг мавжудлиги, чет эллик инвесторларга яратилган имтиёзлар ва имкониятлар билан белгиланади. Ўзбекистон Республикаси тўқимачилик ва енгил саноатига инвестицияларни жалб қилишнинг афзалликлари қуйидагилардан иборат:

- тармоқнинг Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан қўллаб қувватланиши ва устувор йўналиш сифатида эътироф этилиши;

- қулай имтиёзларнинг мавжудлиги, жумладан солиқ ва инвесторларнинг ҳуқуқларининг кафолатланиши;

- сифатли хом ашёнинг мавжудлиги;

- электр энергия ресурсларининг арзонлиги;

- малакали ва қиммат бўлмаган ишчи кучининг мавжудлиги;

- коммуникацияларнинг ривожланганлиги;

- банк ва юридик хизматларнинг яхши йўлга қўйилганлиги.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан ишлаб чиқарилаётган конунлар, концепциялар ва ривожлантириш дастурлари республикага, хусусан тўқимачилик ва енгил саноат тармоғига инвестицияларни имкон даражасида кўпроқ ва самарали жалб этишни назарда tutади.

2011 йилдан бошлаб, пардозлаш, трикотаж ва тикиш-бичиш каби ишлаб чиқариш жараёнларини уз ичига олувчи замонавий тўқимачилик мажмуаларининг қурилиши бошланди. Ушбу объектлар асосан, тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ҳисобига қуриляпти ва ишлаб чиқариш жараёни йўлга қўйилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон – Хитой давлатлари ўртасида тўқимачилик тармоғида ҳамкорлик алоқалари ўрнатилмоқда. Хитой компаниялари иштирокида «Ўзбекенгилсаноат» ДАК умумий қиймати 36,0 млн. долларга тенг бўлган 9 та лойиҳани амалга оширяпти.

- 3та лойиҳа йигирув ишлаб чиқаришида: умумий қуввати 15,5 минг тонна пахта калава ипи (« Nanyang Red Cotton Angels» 18, 1 млн.долл., СП «Platinum Invest» 0,3 млн.долл., СП «TashRossTextill» 7,0 млн.долл.);

- 5 та лойиҳа ипакчилик тармоғида: умумий қуввати 350 тонна хом ипак (ИП «Hua Lu» 4,7 млн.долл., СП «Buxoro Brilliants Silk» 1,5 млн.долл., СП «Muborak Pure Silk» 0,5 млн.долл., СП «Inter Silk Pro» 1,95 млн.долл., СП «Ravnak Silk» 0,55 млн.долл.);

- 1та лойиҳа трикотаж тўқув ишлаб чиқаришини ташкил этиш бўйича: йиллик қуввати 12,0 млн. жуфт пайпоқ маҳсулотлари (ИП «China-UK CLLD» - 1,3 млн. долл.). 2013йил Хитой давлатига экспорт миқдори 100,2 млн. долл.ни ташкил этди.

Бугунги кунда «Ўзбекенгилсаноат» ДАК томонидан қўйидаги лойиҳаларни амалга ошириш борасида ишлар олиб борилмода:

1) тайёр газламаларни ишлаб чиқариш (джинси газламаси, тукли сочиқбоп матолар, кўйлакбоп газламалар);

2) тайёр трикотаж буюмларини ишлаб чиқариш;

3) тўқимачилик аксессуарлари :

- зонтиклар, тугмачалар, молниялар ва бошқаларни ишлаб чиқариш;

4) тўқимачилик дастгоҳлари:

- тўқув дастгоҳлари;

- йигирув ишлаб чиқариши учун эҳтиёт қисмлар.

2013-2015 йилларда «Жиззах» Махсус Индустриал Зонасида амалга ошириладиган 5 та йирик инвестицион лойиҳалар устида иш олиб борилмоқда. Ушбу лойиҳаларни тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни Ўзбекистон тўқимачилик саноатига жалб этиш бўйича амалга оширилаётган йирик, муҳим ишлардан деб қарашимиз мумкин.

1. №1 – инвестицион лойиҳа (тўқимачилик комплекси) – джинси газламаси ва джинсидан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган тўқимачилик комплексини ташкил этиш:

- йиллик ишлаб чиқариш ҳажми: хом джинси газламаси 6,1 млн.п.м.; тайёр джинси газламаси 15,0 млн.п.м.; тайёр джинси маҳсулотлари 5,0 млн.дона;

- хомашё ресурслари билан таъминланганлиги: Республикада 1,0 млн.тоннадан ортиқ пахта толаси, 300 минг тонна пахта калава иплари ишлаб чиқарилади;

- лойиҳанинг қиймати 25,0 млн.долл.

2. №2 – инвестицион лойиҳа (тўқимачилик комплекси) – пайпоқ маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган тўқимачилик комплексини ташкил этиш:

- йиллик ишлаб чиқариш ҳажми: 10 млн. жуфт пайпоқ маҳсулотлари;

- хомашё ресурслари билан таъминланганлиги: Республикада 1,0 млн.тоннадан ортиқ пахта толаси, 300 минг тонна пахта калава иплари ишлаб чиқарилади;

- лойиҳанинг қиймати 3,5 млн.долл.

3. №3 – инвестицион лойиҳа (тўқимачилик комплекси) – тукли мато ва сочиқ маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган тўқимачилик комплексини ташкил этиш:

- йиллик ишлаб чиқариш ҳажми: тайёр такли мато 3000 тонна, тукли сочиқ маҳсулотлари 1,5 млн.дона;

- хомашё ресурслари билан таъминланганлиги: Республикада 1,0 млн.тоннадан ортиқ пахта толаси, 300 минг тонна пахта калава иплари ишлаб чиқарилади;

- лойиҳанинг қиймати 20 млн.долл.

4. №4 – инвестицион лойиҳа (тўқимачилик комплекси) – аралаш толали газлама ва ундан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган тўқимачилик комплексини ташкил этиш:

- йиллик ишлаб чиқариш ҳажми: хом аралаш толали газлама 8,1 млн.п.м.; тайёр аралаш толали газлама 20,0 млн.п.м.; тайёр маҳсулотлар 5,0 млн.дона;

- хомашё ресурслари билан таъминланганлиги: Республикада 1,0 млн.тоннадан ортиқ пахта толаси, 300 минг тонна пахта калава иплари ишлаб чиқарилади;

- лойиҳанинг қиймати 26,0 млн.долл.

5. №5 – инвестицион лойиҳа (тўқимачилик комплекси) – уй-рўзғор учун тўқимачилик саноати маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган тўқимачилик комплексини ташкил этиш:

- йиллик ишлаб чиқариш ҳажми: 4,0 минг тонна пахта калава ипи, 10,0 млн.п.м. газлама, бўяш-пардозлаш 10,0 млн.п.м., Bad shirts: 1 млн. комплект;

- хомашё ресурслари билан таъминланганлиги: Республикада 1,0 млн.тоннадан ортиқ пахта толаси, 300 минг тонна пахта калава иплари ишлаб чиқарилади;


- лойиҳанинг қиймати 20,0 млн.долл.

2013 йилда махсус зонадаги корхоналар томонидан қиймати 100 миллиард сўмдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилди ва бу борадаги ўсиш суръати 2012 йилга нисбатан 25,8 фоизни ташкил этди.

Ушбу лойиҳаларни амалга ошириш натижасида йилига дона тикувчилик ва трикотаж маҳсулотларини тайёрлаш, тармоқ экспорт салоҳиятини ошириш имкони яратилади. Инвестиция лойиҳаларининг рўёбга чиқарилиши енгил саноат тармоғида экспорт ҳажми ошишига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Экспорт сиёсатини муваффақиятли амалга ошириш борасида 2009 йилдан то ҳозирги кунга қадар калава ипларни Европа давлатларига экспорт қилиш ҳажми 0,35%дан 7,5%га етганлигини таъкидлаш ўринли, бу эса, ҳали чегара эмас.

Жумладан, 2013 йил «Ўзбекенгилсаноат» ДАК корхоналари ишлаб чиқарган маҳсулотларининг сотилиши бўйича тақсимланиши 2.4-расмда келтирилган:



2.4-расм. 2013 йил «Ўзбекенгилсаноат» ДАК корхоналари ишлаб чиқарган маҳсулотларининг тақсимланиши

Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг асосий қисми экспортга йўналтирилгани кўриниб турибди, яъни умумий ҳажмдан 50,1% ёки 820,1 млн. АҚШ долларни ташкил қилди. Бундан ташқари фирма магазинларига ва савдо шаҳобчаларига, шу жумладан «Чилонзор буюм бозори»га 4,5 млрд. сўмлик маҳсулотлар етказиб берилди (2,36%), «Ўзбекбирлашув» ва «Ўзбексавдо» савдо ташкилотларига эса 6,4 млрд. сўмлик, яъни 3,34% лик улуш тўғри келди. Вазирликлар, бошкармалар ва бошқа ташкилотлар буюртмасига кўра 14,2 млрд. сўмлик (7,5%) маҳсулот етказиб берилган. Улгуржи савдогарлар ва кичик ва ўрта бизнес субъектлари томонидан 24,1 млрд. сўмлик ёки умумий ҳажмдан 12,6%лик маҳсулот талаб қилинган, ҳамда ички бозор савдогарларига 46 млрд. сўмлик (24,1%) кийматли маҳсулот етказиб берилган[55].

ДАК "Ўзбекенгилсаноат" томонидан экспортга чиқарилаётган маҳсулотларнинг ассортименти кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар олиб

борилмокда. ДАК "Ўзбекенгилсаноат" таркибидаги «Шарқ либослари» Дизайн Маркази янги, замонавий моделлар яратиш борасида тармоқ корхоналари билан ҳамкорликда ишлар олиб борапти.

Шаклдан кўриниб турганидек, тўқимачилик ва енгил саноат тармоқлари маҳсулот турлари бўйича экспорт бир текис таксимланмаган. Республикамизнинг мустақиллигига эришганига кўп ўтмай, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган бир канча корхоналар ишга тушди, шулар томонидан тармоқ бўйича экспорт ҳажмидан 5,8% улушида тайёр тикув маҳсулотлари экспортга чиқарилмокда. Лекин ҳозирги кунда экспортнинг ҳал қилувчи улушини йиғириш маҳсулотлари эгалламокда - 63,7%. Натура кўринишида йиғирилган пахта ипи 62,7 млн. АҚШ доллари миқдорида экспорт қилинган, ўтган йилнинг шу даври билан таққослаганда ўсиш сураътлари 112,2%ни ташкил этади. Улуши бўйича иккинчи ўринда келаётган ип-газлама матолари (25%) шу давр учун 24,6 млн. АҚШ долларини ташкил қилиб, ўсиш коэффиценти 1,35 га тенг. Қолган маҳсулот турлари бўйича ҳам трикотаж матолари (4,6%), трикотаж буюмлари (0,7%), тикувчилик буюмлари (3,8%), ва бошқалар (1,7%) ўтган йилнинг шу даври учун ўсганлиги эътироф этилмокда.].

Чет эл инвесторлари учун рағбатлантириш омили бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президента фармони ва ҳукумат қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси томонидан кўрсатилган бир қатор солиқ имтиёзлари берилган

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинган технологи к жихозларга қўйиладиган қўшилган қиймат солиғидан қўйидаги ҳолатларда озод этилади:

- ҳукумат қафолати остида чет эл кредитлари ҳисобига молиялаштириладиган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун;
- халқ истеъмоли маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналар кайта қурилиши ва таъмарланиши учун;
- чет эл инвестицияларига эга корхоналар устав сармоясига уларнинг

кўйилмаси сифатида чет эл инвесторлари учун.

2.3-Жадвал

Асосий капиталга киритилган хорижий инвестицияларда енгил саноатнинг салмоғи

Кўрсаткичлар	2009й.	2010й.	2011й.	2012й.	2013й.
Ўзбекистон бўйича асосий капиталга инвестициялар ҳажми, млрд.сўм	12531,9	15338,7	17953,4	22797,3	27557,3
«Ўзбекенгилсаноат» ДАК енгил саноат корхоналари бўйича асосий капиталга инвестициялар ҳажми, млрд.сўм	170,6	1487,8	1696,1	2035,3	2544,1
Ўзбекистондаги инвестицияларда «Ўзбекенгилсаноат» ДАК корхоналарининг салмоғи, %	1,4	9,7	9,4	8,9	9,2

Демак, кўриб турганимиздек тўқимачилик корхоналарига жалб этилаётган инвестициялар миқдори йилдан йилга ошиб бормокда, бундан ташқари улар маҳсулотнинг рақобатбардошлигида катта аҳамият касб этади. Сабаби ҳаридор сифатли, кўриниш жиҳатдан замон талабига жавоб берадиган маҳсулот талаб қилади, ишлаб чиқарувчи эса ўз томонидан имконияти бориша сифатли, талабга жавоб берадиган маҳсулот ишлаб чиқаришга интилади, агарда талаб бажарилмаса у ҳолда миқдор ҳам шунга яраша йўқолади, ёки бўлмаса бошқа рақиб томонга ўтиб олади, бу эса рақобат муҳитини мавжудлигидан ҳамда уни ривожланаётганлигидан далолатдир. Инвестициялар оқими айнан сизнинг корхонангизга оқиб келиши учун сиз замон талабига мостехника ва технология ҳамда жаҳон талабига мос маҳсулот ишлаб чиқаришингиз даркор.

Инвестициялар қанчалик кўп бизнинг республикамизга жалб килинса, шунчалик мамлакатимиз иқтисодиёти, ишлаб чиқариш жараёнлари мукаммаллашади ва ривожланади.

III БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

3.1. Ўзбекистон республикасида экспорт фаолиятини ривожлантириш стратегияси

Ички бозорда маҳаллий маҳсулотлар рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида, ривожланаётган мамлакатлар ҳукуматлари томонидан маҳаллий саноат даврида турли кўринишдаги ташқи савдо чекланишларидан фойдаланилган. Улардан энг кўп тарқалганлари маҳаллий саноатда валюта назорати, импортни лицензиялаш, юқори импорт тарифлари, ёппа давлат инвестициялари мамлакат ичида ҳам ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни импорт қилувчи корхоналарни солиқ имтиёзларидан давлат шартномалари ва бошқалардан маҳрум қилишдан иборат[22].

Бироқ, бир қанча жануби-шарқий Осиё мамлакатлари (Тайбэй, Корея Республикаси, Сингапур ва Гонконг, бугунги кунда Хитой ҳудудида) импорт ўрнини босиш сиёсатини эмас, балки экспорт йўналишини танладилар ва 60 йиллардан бошлаб иқтисодиётни саноатлаштиришнинг юқори суръатларини, иқтисодий жиҳатдан ривожланишни намоиш қила олдилар ва натижада халқ фаровонлиги ўсди.

Экспорт йўналишининг мақсади, иқтисодиётни саноатлаштириш ҳисобланади. Бироқ, унга ташқи савдо чекланишлари ва импортни камайтириш ёрдамида импорт ўрнини босадиган маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш йўли билан эмас, балки очиқ иқтисодиётни таъминлаш ва уни эркинлаштириш (либераллаштириш) ҳамда экспорт салоҳиятини ошириш йўли билан эришилади.

Маълумки, Тайбэй, Корея Республикаси, Сингапур ва Гонконг каби мамлакатлар ва ҳудудларда бу соҳада муваффақиятга эришишда давлат ҳал қилувчи рол ўйнади. Аммо, импорт ўрнини босиш йўлини танлаган мамлакатлардан фарқли ўлароқ, кўрсатилган мамлакатларда ташқи иқтисодий сиёсат мақсадлари хусусий секторнинг ривожланиши воситасида

мамлакатнинг нисбатан устунлиги таянган ҳолда ишлаб чиқаришни ўстирувчи омилларининг ривожланиши ва жаҳон иқтисодиётига интеграция қилиш орқали амалга оширилди.

Таҳлил шуни кўрсатадики, экспортни барқарорлаштириш йўли билан иқтисодиётни ичидан таркибий қайта қуришга йўналтирилган давлат сиёсати иқтисодиётни қайта қуриш жараёнини муваффақиятли амалга оширишнинг муҳим омили бўлиши ва ишлаб чиқаришни ҳамда экспортни диверсификация қилиш асосида даромадлар ошишини таъминлаши мумкин. Кўп ҳолларда, давлатнинг экспортни барқарорлаштириш сиёсати туфайли Янги саноатлашган мамлакатлар нисбатан қисқа вақт ичида хом ашё ва энг оддий истеъмол молларини экспорт қилув мамлакатдан, юқори технологик маҳсулотлар экспорт қилувчи мамлакатга айландилар. Агар ривожланишнинг импорт ўрнини босувчи стратегиясини танлаган мамлакалар узоқ муддат ичида 1,6 фоиздан кўп бўлмаган ўртача йиллик иқтисодий ўсишга эришган бўлсалар, экспортни ривожлантиришни танлаган мамлакатлар шу даврда 6-7 фоиз ўсишга муваффиқ бўлдилар[59].

Шу нақтаи назардан, Ўзбекситон тўқимачилик саноатнинг экспорт имкониятларини кўриб чиқамиз. Ҳозирги кунда Республика енгил саноати корхоналарининг асосий қисми 120 дан ортиқ йирик корхона ва бирлашмаларни ўз ичига олган, 7 тармоқни (ип газлама, трикотаж тикув, чини ва б.) бирлаштирувчи «Ўзбекенгилсаноат» ДАК ҳиссасига тўғри келади.

У матолар, трикотаж, пайпоқ маҳсулотлари, бош кийимлар тўқимачилик – атторлик моллари, чини маҳсулотлари ишлаб чиқаришдан ташқари, компания корхоналари, шунингдек, тиббиётга мўлжалланган маҳсулотларга, махсус иш кийимлари ва бошқаларга бўлган эҳтиёжни ҳам қондиради. Ҳозирги вақтда «Ўзбекенгилсаноат» ДАК корхоналарининг ишлаб чиқариш бўйича йиллик қуввати умумий ҳажмда:

220 минг тонна ип газлама калаваси, 589 млн. кв. метр ип газлама матоси, 5,0 минг тонна яримжун калаваси, 2 млн. кв. метр гилам ваг илам

маҳсулотлари, 4,6 млн. метр узунликдаги дағал яримжун матолар, деярли 30 минг кв. метр тўқилмаган мато, 9,0 минг тонна момик пахта, 222,3 млн, шартли ғалтак – тикув иплари, 52,4 млн. дона трикотаж маҳсулотлари, катта ассортиментдаги тикув маҳсулотлари ва чини идишлари каби маҳсулотларни ташкил этади¹.

2000 йилдан буён истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми 27,8 млрд. сўмдан 171,5 млрд. сўмга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми эса 2005 йилга келиб 30 млрд. сўмдан 373 млрд. сўмга ошди.

Ушбу соҳада 2000 йилдан бошлаб 800 млн. АҚШ долларида ортиқ чет эл сармояси жалб этилди. Германия, Япония, Швейцария, Туркия, АҚШ каби мамлакатлар билан 25 га яқин кўшма корхоналар тузилди.

Кўшма корхоналар экспортнинг салмоғи компаниянинг экспорт ҳажмига 17 фоиздан 77 фоизгача ёки пул ифодасида 10 миллион АҚШ долларида, 2005 йилга келиб 154 млн. АҚШ долларида қадар ўсди ва 2005 йил маълумотларига кўра деярли 217 млн. АҚШ долларида қадар ўсди. «Ўзбекенгилсаноат» ДАК бўйича экспортнинг умумий ҳажми жорий йил маълумотларига кўра деярли 280 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

Ўзбекистон калавасининг (ипининг) Европа Ҳамжамияти мамлакатларига экспорти 2000 йилдан то бугунги кунга қадар бўлган давр ичида 0,35 фоиздан Европа Ҳамжамияти импорти умумий ҳажмининг тахминан 10 фоизгача ўсигани экспорт сиёсатини муваффақиятли амалга оширишнинг яққол намунаси ҳисобланади[48].

Республика ҳудудида пахта толасини қайта ишлаш ҳажми 2000 йилга 13 фоиздан 2005 йилга келиб 29 фоизгача кўпайди ва маълумотларга қараганда, яқин вақтларда тайёрланаётган тола умумий ҳажми 50 фоизга қадар кўпайиши мумкин.

2005 йил бошидан бошлаб пардозлаш, трикотаж ва тикув корхоналари учун замонавий тўқимачилик мажмуаси қурилиши бошланди. Бу корхоналар асосан бевосита чет эл сармоялари ҳисобига қурилади ва ишга туширилади. Бу лойиҳаларни амалга ошириш тайёр тикув ва трикотаж маҳсулотларини

чиқариш йилига 75 млн. донага, компаниянинг экспорт салоҳияти эса ҳар йили 60 млн. АҚШ долларигача кўпайишига имкон беради. Бевосита чет эл сармояларининг ҳажми бу лойиҳаларни амалга оширишга 65 млн. АҚШ доллари сарфланишини талаб этади.

2005 йил бошидан Республикамизда чет эл капитали иштирокида экспорт салоҳияти ҳажми 110,0 млн АҚШ долларига тенг бўлган 15 та янги тўқимачилик, трикотаж ва тикув корхоналари иш юрита бошлади. Уларнинг пахта толасини қайта ишлаш ҳажми 45,0 минг тоннадан иборат. Ҳамкорлар сифатида АҚШ, Туркия, Германия, Швейцария фирмалари майдонга чиқди. Яна умумий лойиҳа қиймати 180,6 млн. АҚШ долларига тенг 19 та қўшма корхона ишга туширилиши мўлжалланган.

Ҳозирги вақтда иқтисодиётга чет эл сармояларини жалб қилиш учун қулай шароитлар яратилаётгани чет эл сармоядорларини ўзига тортмоқда. Бу асосан, хўжалик фаолияти учун барқарор ҳукукий чекланмалар, фаолиятга ташқаридан ортиқаралашувларни бартараф этиш, лицензия бериш, корхонани рўйхатга олиш ва маҳсулотни сертификатлаш тартибларини соддалаштириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга нисбатан қўшма ва чет эл корхоналари учун яратилаётган катта миқдордаги турли имтиёз ва енгилликлардир[26].

2005 йил тайёр кийим-кечаклар (тикув, тиркотаж ват ери маҳсулотлари), пайпоқ маҳсулотлари ва пойабзал ишлаб чиқаришга ихтисослашган чет эл сармояларига эга корхоналарнинг бюджетга қўшимча қиймат солиғи (ҚҚС) дан тшақари, ҳамма турдаги солиқларни ва йиғимларни тўлашдан озод этилганлиги сармоялаш учун улкан рағбатлантириш бўлиб хизмат қилади.

Бу имтиёз муддати келгусида ҳам узайтирилиши мумкин. Халқ истеъмоллари молларини, биринчи навбатда, болалар ассортименти ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва кенгайтиришга солинадиган солиқнинг умумий миқдори қайта сармояланса, низом жамғармасида чет эл сармоядорининг улуши камида 50 фоизни ташкил этган қўшма корхонани

даромадига солинадиган солиқдан озод этилиши келгусида Республика енгил саноати тармоғини ривожлантиришнинг муҳим кафолати ҳисобланади.

Фикримизча, енгил саноат тармоғига инвестицияларни жалб қилишни амалга ошириш учун иқтисодий характердаги бошқа рағбатлантирувчи омиллар ҳам мавжуддир. Булар аввало: улкан хом ашё бойликларининг, асосан, юқори сифатли пахта толасининг мавжудлиги; энергия тармоғи нархининг пастлиги; малакали ва нисбатан қиммат бўлмаган меҳнат ресурсларининг мавжудлиги; коммуникациянинг ривожланган тармоғи; хизматларнинг банк ва ҳуқуқий тармоқлари; минтақадаги тайёр тўқимачилик маҳсулотларини (Марказий Осиё мамлакатларининг аҳоли 55 млн. кишидан ортиқ) ва Европа Иттифоқи мамлакатларида калава ва яримфабрикатларни сотувчи катта ва ўзлаштирилмаган бозорларнинг мавжудлиги кабилардир.

Юқорида қайд этилганлардан хулоса сифатида айтиш мумкинки, Ушбу омиллардан самарали фойдаланиш, тўқимачилик саноатининг экспорт салоҳиятини янада оширишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади, деган умиддамиз.

Ўзбекистонда жаҳоннинг жуда кўп мамлакатлари ишлаб чиқариш ва хизмат соҳалари ҳамда тармоқларига инвестициялар жойлаштирган бўлиб, лар ичида Туркия алоҳида ўрин эгаллайди[28].

Сўнгги маълумотларга кўра, Ўзбекистонда Туркия фирма ва компаниялари 33 та лойиҳани амалга оширишда ўз инвестициялари билан иштирок этмоқдалар. Ушбу лойиҳаларнинг умумий қиймати 570,95 млн. АҚШ доллари ҳамда «Бештекс» лойиҳаси бўйича эса 24 млн. еврини ташкил этди.

Туркия фирма ва компаниялари инвестициянинг асосий қисмини енгил саноат корхоналарини барпо қилиш ва таъминлашга жалб этмоқдалар. Масалан, 2005 йилда Туркия капитали иштирокида тузилган қўшма корхоналарнинг умумий сони 18 тани, уларни жалб этилган инвестициялар ҳажми эса 416,37 млн. АҚШ доллар (жами Туркия инвестицияларининг 72,9 фоиз) ва 24 млн. еври (100 фоиз) ташкил этди.

Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги Инвестиция дастурида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати кафолати остида хорижий кредитларни жалб этган ҳолда инвестициялар лойиҳаларининг аниқ дастури тасдиқланган. Дастурда хусусан, Туркия «Бурсель» фирмаси ва Япония Халқаро ҳамкорлик банки томонидан ажратиладиган кредитлар ҳисобига тўқимачилик саноати мажмуини ташкил қилиш бўйича Боғот тўғимачлик комбинатининг тугалланмаган қурилиши асосида «Бурсель Боғот текстиль» қўшма корхонасини ташкил этиш кўзда тутилган. Мазкур лойиҳага ажратилган инвестициялар ва кредитларнинг умумий миқдори 52,7 млн. АҚШ долларини ташкил қилади. Жумладан, 2005 йилда 15 млн АҚШ доллари миқдорида кредитларни ўзлаштирилди.

Бундан ташқари, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этган ҳолда амалга ошириладиган 2005 йил учун инвестиция лойиҳаларининг аниқ йўналтирилган дастурига мувофиқ, Туркэксимбанк ҳамкорлигида Туркиядан технологиялар ва асбоб-ускуналар импорти бўйича кредит линияси очилди. Лойиҳанинг умумий миқдори 4,5 млн. АҚШ долларини ташкил қилди.

Шунингдек, Туркиянинг «Седат» фирмаси ҳамкорлигида Наманган шаҳрида «Наманган тўқимачи» корхонаси асосида қўшма корхона ташкил қилиниши режалаштирилган бўлиб, лойиҳанинг умумий қиймати 15 млн. АҚШ долларини ташкил этади. Туркиянинг «Кая» компанияси томонидан эса 14,7 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестициялар ажратилган ва «Тоштўқимачи» АЖнинг 1 ип-йигирув фабрикаси асосида «Тош Кая тўқимачи» қўшма корхонасини ташкил қилиш кўзда тутилган. «Демир» Туркия фирмаси томонидан 8,5 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит ажратилган ва «Тоштўқимачи» АЖнинг Қорақамиш филиали асосида қўшма корхоналар ташкил этилади[57].

Жиззах шаҳрида Ш.Рашидов АЖ ҳамда «Тоштўқимачи» АЖнинг 2-ип-йигирув фабрикаси асосида яна иккита қўшма корхона – Туркиянинг «Сесли» компанияси кредити (19,8 млн. АҚШ доллар) ва «Четинкая» Туркия

фирмаси кредити (11,2 млн. АҚШ доллар) ҳамкорлигида ташкил қилинади. Туркия «Гузелдиш Тижарет» фирмаси ҳамкорлигида 4,2 млн. АҚШ доллари миқдоридаги лойиҳа режалаштирилган бўлиб, «Хўжайли тўқимачи» қўшма корхонаси асосида ип газлама калаваси ишлаб чиқаришни кенгайтириш кўзда тутилган.

Инвестицияларни аксарият қисми озиқ-овқат саноати, мебел ва курилиш материаллар ишлаб чиқарувчи тармоқлар жойлаштирилган. Уларга жалб қилинган инвестицияларнинг ҳажми 78 млн. АҚШ долларида иборат бўлди.

Туркия инвесторлари Ўзбекистонда машинасозлик тармоғини ривожлантиришга ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшимокдалар (66 млн. АҚШ доллари ёки 1,5 фоиз). Шунингдек, чарм-пойабзал (4 млн АҚШ доллари ёки 0,7 фоиз) картон (2,0 млн. АҚШ доллари ёки 0,4 фоиз) ишлаб чиқариш ҳамда банк ишини юритишга (4,6 млн. АҚШ доллари ёки 0,8 фоиз) ҳам Туркия инвестициялари жалб қилиниши алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур.

Шундай қилиб, Туркия Ўзбекистон иқтисодиётини инвестициялашда муҳим рол ўйнамоқда.

3.2. Тўқимачилик саноати корхоналарининг экспорт имконияларини оширишда товар экспортёрларга бериладиган имтиёзлар

Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш нуқтаи назаридан Марказий Осиёда тутган географик, ҳамда ижтимоий-иқтисодий ҳолат уни иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш учу насос яратади. Ўзбекистоннинг бой табиий хом ашё ресурсларига эканлиги, ҳамда иқтисодий региондаги иэтимой-иқтисодий муносабатлар нуқтаи назаридан энг ривожланган эканлиги турли давлатлар ўртаси ўзаро манфаатли иқтисодий алоқларни ўрнатишда боғловчи звено бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси қуйидаги устунликларга эга:

- таббӣй климат шароитларидаги қулайликлар (йилига ўртача 8 ой кишлоқ хўжалиги учун, туризм учун, халқаро спорт анжуманларини ўтказиш учун ортиқча иссиқлик ва электр энергиясини сарфламаслик);

- катта миқдордаги минерал хом ашё потенциалига эгалиги (3,5 трлн. \$ АҚШ доллариға тенг). Республикамизда 2800 дан ортиқроқ қазилма конлари мавжуд бўлиб шулардан 100 га яқини ўзлаштирилган, 100 дан ортиқ турлаги минерал хом ашёлар бўлиб, шулардан 65 таси саноат ва кишлоқ фойдаланилади;

- дунёга машҳур бой маданий тарихий ва архитектура бойликларига эгалиги халқаро туризмни ривожлантиришда устунликка эга бўлиши;

- етарли даражада малакали, арзон ишчи ресурсларига эгалиги;

- юқори илмий салоҳият ва амалий тадқиқотлар даражаси;

- экспорт салоҳияти ишлаб чиқариш ва савдо инфратузилмасининг нисбатан ривожланганлиги.

Республикамизнинг экспорт салоҳияти барқарор ривожланиш стратегиясининг умумиқтисодий стратегиясининг асосий қисми бўлган либераллашувнинг макроиқтисодий шартлари билан узвий боғлиқ.

Шу сабабдан экспортнинг ташкилий тузилишини такомиллаштиришнинг стратегик мақсади бўлиб халқаро савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг илғорформаларидан фойдаланиш ҳисобланади[37].

Бугунги кунда товар экспорти номенклатурасига енгил автомобиллар, автобуслар, автотрактор филтрлари, юпқа электр узаткичлар, электр хўжалик техникаси ва аппарталари, комплекс химиявий ўғитлар, то шва керамикадан ясалган турли буюмлар, мебеллар, пойафзал, трикотаж буюмлари каби Янги тур маҳсулотлари ҳам қўшилди. (13-жадвал)

13-Жадвал

Ўзбекистон Республикаси экспортининг ташкилий тузилиши

	2001й	2002й	2003й	2004й	2005й
--	-------	-------	-------	-------	-------

Пахта толаси	27,5	24,3	22,4	21,5	20,8
Энергия ресурслари	10,3	9,9	8,1	8,0	7,7
Қора ва рангли металлургия	6,6	6,8	6,4	6,0	6,0
Маҳсулотлар	5,4	3,8	3,5	4,1	5,2
Машина ва аппаратлар	3,4	3,8	3,9	4,0	4,5
Кимёвий ишлаб чиқариш	2,9	2,6	3,0	3,2	3,6

Жадвалнинг тахлили шуни кўрсатадики, охириги 5 йил ичида Ўзбекистон Республикаси экспортининг ташкилий тузилишида сезиларли ўзаришлар бўлмаган.

Экспортни ривожлантиришда ташқи иқтисодий фаолиятни либераллаштириш ишлари алоҳида ўрин тутди.

Республикамиз мустақилликка эришгач, ташқи савдо оборотининг ҳажми ўн уч мартадан ортиқроқ ўсди. Шу билан бир қаторда ташқи савдо географиясида ҳам ўзагришлар рўй берди. Агар 1991 йилда асосан МДХ ларига экспорт қилинган бўлса, бугунги кунда 80 дан ортиқ чет мамлакатларига экспорт қилинмоқда.

Бугун кунда экспорт дунёнинг деярли 80 мамлакатига амалга оширилмоқда. Ўзбекистон маҳсулотининг истеъмолчилари бўлиб ғарбий Европа мамлакатларининг бозорлари, Миллий ҳамдўстлик давлатлари жумладан Россия давлати бозорлари Эрон, туркия давлатларининг бозорлари ҳисобланади (13-жадвал).

Республиканинг экспорти структурасини таҳлил қилар эканмиз,, анъанавий пахта толаси, рангли металл билан бир қаторда турли дастгоҳлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, ип, пахтадан тайёрланган газламалар, самолётлар, автомобиллар ва бошқа тайёр маҳсулотлар улушининг ортиб бораётганлигини кўришимиз мумкин.

Амалиётда бирорта ҳам давлат тайёр маҳсулотларни импорт қилишдан манфаатдор эмас. Улар максимал даражада ўз ички бозорини ташқи ишлаб чиқарувчилар рақобатидан ҳимоя қилишга ҳаракат қилади.

Шуни таъкидлашимиз лозимки, Ўзбекистон Республикаси товар экспортёрлари учун имтиёзлар яратиб, Республикамизнинг экспорт салоҳиятини ошириш устида тинмай иш олиб бормоқда.

Яқин келажакда Республикамизнинг экспорт салоҳиятини мустаҳкамлашнинг муҳим омили бўлиб иқтисодий рағбатлантиришни кучайтириш, экспорт давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳисобланади.

Бугунги кунда экспортёр корхоналарни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга қаратилган солиққа тортиш бўйича бир қатор имтиёзлар берилмоқда. Даромадга товарларни реализация қилиш ҳажмига нисбатан экспортнинг улушига қараб солиққа тортиш регрессив шкаласи жорий этилган.

Маҳсулотни сотишнинг умумий ҳажмида экспортнинг улуши: 15% дан 30% гача бўлса, ставка 30%га; 30%дан юқори бўлса, ставка икки марта қисқаради.

Экспортер корхоналар учун мулк солиғи ҳам маҳсулотнинг умумий ҳажмида экспортнинг улушига қараб амалга оширилади: 15%дан 25% гача – ставка 30% га қисқаради. 25% дан 50% гача – ставка 50% га қисқаради; 50% дан юқори бўлса – мулк солиғи олинмайди.

Маҳсулотни экспорт қилишда қўшимча қиймат солиғи энг паст ставкада олинади. Экспорт қилинадиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган моддий-техникавий ресурсларга қўшимча қиймат солиқи тўлаш 90 кунгача фоизларсиз кечиктириб тўланиши мумкин.

Амалдаги қонунларга кўра, Вазирлар Маҳкамасининг «валюта бозорини либераллаштириш чоралари» қарорига мувофиқ товарларни экспорт қилишни нақд чет эл валютасига кассалар орқали амалга оширишга рухсат берилади[44].

Умуман, олганда валютани алмаштириш курсини либераллаштириш сиёсатининг амалга оширилиши миллий экспортёрларнинг экспорт фаолиятига ижобий таъсир кўрсатди, экспорт ҳажми 2005 йил 2004 йилга нисбатан 101,4% ни ташкил этди. Ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотни

экспорт қилиш ҳажмини оширишга иқтисодий манфаатдорликни янада ошириш мақсадларида экспорт лойиҳаларини кредитлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш системаси шаклланмоқда.

Миллий экспортёрларни кредит молиявий қўллаб-қувватлашни амалиётга жорий этиш қуйидаги йўналишларда амалга оширилмоқда:

- экспорт операцияларини молиялаштирадиган тижорат банклари рағбатлантиришнинг халқаро амалиётда қабул қилинган самарали шарт-шароитларини яратиш;

- миллий экспортёрларни ҳамда экспортни молиялаштираётган тижорат банкларини ижтимоий ҳимоялашнинг мавжуд механизмини такомиллаштириш;

- инвестицияларни суғурталлашни таъминлаш;

- маҳсулотни экспорт қилишдаги асосий тўсиқлардан бири ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сертификациялаш, стандартизациялаш бўйича халқаро шартларга жавоб бермаслигидир.

Миллий товарларни халқаро бозорга чиқиши маҳсулотнинг сифат кўрсаткичларини ИСО 9000 сериясидаги жаҳон стандартларига жавоб беришини, корхоналарда сифат менежменти системасини жорий этишни талаб қилади

Халқаро тендер савдоларини амалга оширишда халқаро сифат сертификатиغا эга қатнашчилар устунликка эга бўлдилар.

Шундан келиб чиққан ҳолда Республикамизда бир қатор ишларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда .

- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни халқаро аналогларнинг шартларига жавоб берадиган кўрсаткичларини ИСО 9000 сериясидаги жаҳон стандартларига жавоб беришини, корхоналарда сифат менежменти системасини жорий этишни талаб қилади.

Халқаро тендер савдоларини амалга оширишда халқаро сифат сертификатиغا эга қатнашчилар устунликка эга бўладилар.

Шундан келиб чиққан ҳолда, республикамизда бир қатор ишларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни халқаро аналогларнинг шартларига жавоб берадиган даражага келтириш мақсадида норматив – техникавий ҳужжатларга ўзгаришлар киритиш, қайта кўриб чиқиш;

- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг биринчи навбатда экспорт қилинадиган маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичларини тавсифловчи стандартларга аниқлик киритиш ва ишлаб чиқиш;

- корхоналарга сифатни бошқариш системаларини жорий этиш;

- ишлаб чиқариш жараёнларини жорий этилган сифатни бошқариш системасига мувофиқлигини аттестациядан ўтказиш.

Сифат лабораторияларини ташкил қилиш ва уларни халқаро сертификациялаш марказлари томонидан аттестациядан ўтказиш бўйича оператив чора-тадбирлар белгиланади. Ҳозирги давр Республикамиз экспортининг асосини ташкил этадиган хом ашё товарлари жаҳон бозори конъюктурасининг ёмонлашиб бориши билан тавсифланади.

Шу билан қаторда талабнинг ортиши ва ташқи бозорлардаги қулай конъюктура ҳамда Афғонистондаги қулай регионал бозорнинг очилиши машина ва дастгоҳларни, мис, цинк, цемент, турли хил қурилиш материалларини, янги ва ишлов берилган сабзаёт маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажмини оширади[27].

Миллий экспорт сиёсатини амалга оширилиши таркибан 2 та ўзаро боғланган йўналишни ўз ичига олади; биринчидан экспорт салоҳиятининг ўсиши, иккинчидан, экспортни ривожланишига олиб келадиган шарт-шароитларнинг яхшиланиши.

Экспорт салоҳиятининг ривожланиши масаласи маҳаллий саноатнинг асосий муаммосини таҳлил қилиш., илмий-изланиш, тажриба-ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариш, техникавий қайта суръатлари, миллий таълим ва қонунлар асосида шаклланади.

Республиканинг экспортга йўналтирилган секторларини муваффақиятли ривожлантириш учун қуйидаги ишлар амалга оширилиши керак(18);

-маблағлар мамлакатимизнинг мустақиллигини таъминлайдиган энг муҳим йўналишлар бўйича айрим турдаги ишлаб чиқаришларнинг экспорт базасини ривожлантириш, ҳамда халқ хўжалигининг соҳаларини маълум бозорларга мўлжаллаб ривожлантиришга йўналтирилиши;

-бозор муносабатларини ривожлантириш сиёсатини мақсадга йўналтирилган ҳолда ташқи иқтисодий фаолиятни янада либераллаштириш ва валютани бошқаришга асосланган ҳолда олиб бориш;

-мамлакатимиз иқтисодига капитал қуйилаларни тўғридан-тўғри жалб қилишни кенг таъминлайдиган ҳуқуқий ва ижтимоий- иқтисодий шартларни янада такомиллаштириш;

-экспорт структурасини хом ашё ва ярим фабрикатлар улушини қисқартириб, рақобатбардош, сифатли маҳсулотлар улушини ортиши ҳисобига такомиллаштириш;

-Ўзбекистон Республикасини халқаро транспорт коммуникацияларининг янада самарали моделларни ривожлантириш имкониятларини таъминлаш йўли билан халқаро ҳамжамиятга интеграциясини таъминлаш;

Экспортнинг доимий ўсиб боришини таъминлайдиган экспорт салоҳиятининг ривожланиши қуйидаги йўллар орқали амалга оширилади:

-анъанавий экспорт (пахта, ипак, қорақўл, рангли металллар ва қурилиш материаллари)нинг рақобатбардошлиги ва самарадорлигини ошириш;

-янги технологияларни жорий этиш, анъанавий бўлмаган товарлар ва хизматларни экспорт қилиш ҳисобига экспорт номенклатурасини кенгайтириш;

-мамлакатимизга жаҳон даражасига жавоб берадиган технологияларни келтираётган чет эл инвесторларига нисбатан ”очиқ эшиклар” сиёсатини олиб бориш;

-экспорт қилинаётган маҳсулотлар сифатининг халқаро стандартларга жавоб беришини таъминлаш;

-Республикамиз корхоналари ўртасидаги ишлаб чиқариш алоқаларини мустақамлаш йўли билан ишлаб чиқариш жараёнинг тугалланган циклини яратишни рағбатлантириш;

-кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантириш, уларнинг экспортга йўналтирилишига кўмаклашиш;

-экспортёрлар учун реал иқтисодий рағбатлантиришни таъминлаш ва давлат томонидан қўллаб қувватлашни кучайтириш;

-хом ашё ва дастгоҳларни, комплектловчи буюмларни импортини қисқартириш мақсадида оралиқ товарларнинг ишлаб чиқарилишини рағбатлантириш;

-экспортга йўналтирилган хизматлар соҳаси, шунингдек халқаро сервис стандартларига жавоб берадиган туризм инфраструктурасини таъминлаш;

Миллий экспорт сиёсатининг самарадорлик шартларидан иккинчиси мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини оширишга имкон берадиган қуйидаги шартларни бажаришдан иборатдир:

-милий кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ;

-маркетинг тадқиқотларининг янги товар бозорларини аниқлашга ва ўзлаштиришга имкон берадиган оптимал ва самарали шартларни ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш;

-ташқи савдо инфраструктурасининг ривожлантириш йўли билан экспортни фаол жадаллаштириш;

-ривожланган давлатлар экспорт сиёсати тактикаси ва стратегиясининг илғор методларини жорий этиш;

-республикамиз экспорт фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича товар бозорлари параметрларининг ҳолати ва динамикасини қисқа муддатли ва узоқ муддатли истиқболларини белгилаш, моделлаштириш системасини ишлаб чиқиш;

-ички транспорт инфраструктураси самарадорлигини ошириш ва экспорт – импорт юкларини диверсификациялаш мақсадида янги транспорт коридорларини ўзлаштириш стратегиясини ишлаб чиқиш;

-экспорт-импорт юкларининг транспортировка қилиш таннарахини инфраструктурани ривожлантириш ва оқладлаштириш системасини яратиш, ҳамда юкларга республика территориясида ва асосий халқаро денгиз портларида ишлов бериш йўли билан пасайтириш;

-асосий транзит йўналишлари бўйича Республикамиз ичида тез юрар шоссей йўллари тармоқларини ривожлантириш;

-чет мамлакатлар билан савдо, инвестициялар, янги транспорт коридорларини ўзлаштириш, юкларни транзит қилиш бўйича ҳамкорликнинг шартнома-ҳуқуқий базасини ривожлантиришни такомиллаштириш;

-жаҳон савдо ташкилотига босқичма-босқич интеграциялашув, ички бозорни босқичма-босқич диверсификациялаштириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳимоялаш, рақобатни ривожлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш.

Миллий экспортни ривожлантиришни узоқ муддатли, стратегик, босқичма-босқич ҳал этилиши талаб этиладиган масаладир. Биринчи босқичда миллий валютани жорий сўмлар бўйича конвертациялаш орқали миллий экспорт стратегиясининг ташкилий-ҳуқуқий аспекти, бирламчи характердаги асосий ишлар амалга оширилди[31].

Ўрта муддатли ва узоқ муддатли чора тадбирлар Ўзбекистон Республикасининг мунтазам ривожланиш стратегияси контекстида ва иқтисодиётни 2010 йилгача ривожлантириш концепциясида аниқланади

Яқин келажакдаги мақсадларимиз миллий иқтисодиётдаги иқтисодий ва ижтимоий тўсиқларни бартараф қилиш билан боғлиқдир. Иқтисодий сиёсатимиз, авваламбор, ички бозорни ривожлантиришга, ички эҳтиёжларни қондиришга, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни рақобатидан сақлашга, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан оптимал фойдаланишга қаратилган бўлиши керак.

Яқин келажакда мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишларига қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

-иқтисодиётни давлат томонидан бошқариш системасини либераллаштириш;

-экспортёрлар учун реал иқтисодий имтиёзларни яратиш;

-солиқ системасининг самарадорлигини ошириш;

-корхоналарни техникавий қуроллантиришни ва янгилашни молиялаштиришга йўналтирилган ички инвестицияларни қўпайтириш;

-йирик, ички ва ташқи бозорда рақобатбардош корпорацияларни шакллантириш;

-иқтисодиётнинг территориал структурасини такомиллаштириш;

-молия ва банк тизимини такомиллаштириш, миллий валютани алмаштириш курсини оптималлаштириш, инфляцияни имкони борича пастроқ даражада ушлаб туриш;

-иқтисодиётнинг таркибий тузилишини диверсификациялаш, ички ва ташқи бозор учун мўлжаллаб юқори сифатли максимал қўшимча қийматга эга бўлган тугалланган маҳсулот ишлаб чиқариш;

-миллий ишлаб чиқаришнинг рақобатбардошлигини мавжуд ишлаб чиқаришларни модернизациялаш ва янги корхоналарни қуриш, мавжуд хом ашёни қайта ишлашга имкон берадиган замонавий технологияларни жорий этиш;

-чет эл инвестицияларини тўғридан тўғри жалб этиш, янги илғор технологияни жалб этиш ва экспорт салоҳиятини кенгайтириш мақсадида қўшма корхоналар барпо этиш;

-маҳсулот бирлигига тўғри келадиган сарф харажатларни, маҳсулотнинг материал сарфини, энергия сарфини қисқартириш;

-хусусий тадбиркорликни, кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланишини қўллаб қувватлаш ва ҳимоя қилиш, ҳақиқий мулкдорлар синфини яратиш;

-Ўзбекистонни жаҳон бозорига чиқиши учун транспорт коридорларини шакллантириш ва ривожлантириш;

-иқтисодиётнинг экспортга йўналтирилган структурасининг шаклланиши учун ташкилий-ҳуқуқий базани яратиш.

2010 йилгача бўлган босқичда Республикамиздаги мавжуд табиий ресурслар асосида янги ишлаб чиқариш шароитларини яратиш кўзда тутилади. Кўрсатилган чора тадбирлар рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни, экологик шартларини ҳисобга олган ҳолда замонавий технология ва дастгоҳлар билан жиҳозлашда жаҳон бозорларида самара билан тавсифланадиган, ресурсларни тежашга имкон берадиган ишлаб чиқаришга ўтишга имкон беради [2].

Ҳозирги кунда саноат соҳасидаги сиёсатимизнинг мақсади ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатларини сақлаш, рақобатбардош, юқори даражадаги қўшимча қийматли маҳсулот ишлаб чиқаришини таъминлашдир.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, экспорт соҳасидаги иқтисодий сиёсатнинг мақсадларига эришиш учун қуйидаги ишлар амалга оширилиши даркор:

-Ўзбекистон Республикасининг экспорт салоҳиятини ривожлантиришнинг 2010 йилгача Давлат дастурини амалга ошириш;

-мамлакатнинг ташқи қарзларининг ўсишига ва халқаро молиявий структуравий боғлиқликнинг кучайишига йўл қўймаслик;

-ички бозорни ва миллий ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилишга қаратилган чора тадбирларни амалга ошириш;

-экспортга йўналтирилган тармоқларда фан-техника ютуқларини жорий этишга, технологик ва техникавий қайта қуролланишга чет эл капиталини жалб этиш;

-ишлаб чиқариш фондларини йирик масштабда модернизациялаш асосида иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш;

-машина-қурилиш маҳсулотларини диверсификациялаш, инвестицион товарлар ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш учун зарур бўлган фан-техника салоҳиятини янада мустаҳкамлаш курсини давом эттириш;

-коммуникация тизими ва инфармацион инфраструктура тизимини ривожлантириш Буюк ипак йўли йўналишида автойўл тармоқини ва мустақил алоқа йўллари тизимини яратиш асосида транспорт коридорларининг шаклланишини яқунлаш;

-маҳсулотнинг материал сиғими ва энергия сиғимини янада қисқартириш, ресурсларни иқтисод қилишга асосланган ишлаб чиқариш типига ўтиш.

ХУЛОСА

Ўзбекистон енгил саноат корхоналарида маҳсулотнинг экспорт салоҳиятини ошириш йўллари таҳлил қилиб, қуйидаги хулосаларни қилишимиз мумкин:

- 1.Экспортни ривожлантириш ва унинг тузилишини яхшилаш керак, чунки экспортга йўналтирилган иқтисодий шакллантириш миллий ишлаб чиқаришни техник иқтисодий жиҳатдан жаҳон даражасига кўтаради, унинг тузилишини такомиллаштиради, Республика валюта захираларини кўпайтиради.
- 2.Импорт тузилишини такомиллаштириш керак, яъни уни миллий ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш ва кенгайтиришга қаратиш зарур.
- 3.Ишлаб чиқарувчи кучларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш учун чет эл инвестицияларини жалб этиш керак.
- 4.Ўзбекистоннинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, яъни маълум даражада гашқи иқтисодий фаолиятда экспорт-импорт операциялари, валютани олиб чиқиш, бошқа халқаро битимлар устидан давлат назоратин-экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун имтиёзли фоизлар бўйича кўп муддатли кредитлар ажратиш, мўлжалланган инвестицияларни суғурталаш ишларини амалга ошириш керак.
5. Экспорт қилувчиларга миллий ишлаб чиқариш ва унинг хорижий рақобатчилари ишлаб чиқариш харажатлари ўртасидаги фарқни коплаш керак.
- 6.Давлат томонидан Республикага илғор технологиялар, тажрибалар, билимларнинг кириб келишига субсидиялар ажратиш зарур.
- 7.Экспорт ва импортни лицензиялаш ёки четга мол чиқаришга ва четдан уни олиб келишга рухсатномалар беришни такомиллаштириш керак.
- 8.Ишлаб чиқариш жараёнида катнашувчи, хориждан келтириладиган хом ашё материаллар, асбоб ускуналар ва жихозлар улушини босқичма босқич камайтириш ва бошқалар.

9. Енгил саноат маҳсулотлари экспорт салоҳиятини оширишда сифат менежменти тизимини жорий этиш керак.

10. Ҳозирги кун бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш эркинлаштирилаётган даврда маҳсулот экспорт салоҳиятини таъминлашнинг энг асосий муҳим жиҳатларидан бири маҳсулот сифати даражаси кўрсаткичларини яхшилашдир.

11. Маркетинг тадқиқотларининг тўқимачилик маҳсулотлари экспорт салоҳиятини оширишдаги ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Шунга кўра, тўқимачилик саноатини ривожлантиришнинг самарали режаларини ишлаб чиқариш учун бозор сегментациясининг усулларини ишлатиш зарур.

12. Маҳсулот рақобатбардошлигини оширишда қуйидаги инновацияларни жорий этиш зарур:

- янги техника, технологияни жорий этиш ;
- бошқарув усулларини ўзига хослиги;
- маркетинг бўлимини ташкил этилиши;
- талаб ва таклиф таҳлили;
- нарх турлари;
- одам психологиясини ўзгартириш;
- инвестициялар оқими;
- автоматлаштириш орқали ҳаражатларни кискартириш;
- модернизация қилиш.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. “Ўзбекистон Республикасининг қонуни. “Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш тартибини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш” тўғрисида 14 декабр 2007 йил ЎРҚ-127-сон.

2. “Тадбиркорлик ва тадбиркорлик фаолияти эркинлиги кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 25 май 2005 йил.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари

3. “Ўзбекистон Республикасининг қарори. “Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартибини такомиллаштириш” тўғрисида 27 апрел, 2007 йил ПҚ-127-сон.

4. Каримов И.А. 2008 йил 18 ноябрдаги ПФ-4053-сонли “Акциядорлик жамиятларининг Устав фондларини 400,0 минг АҚШ долларига етказиш бўйича” Фармони.

5. Ўзбекистон Республикасининг қарори. “Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида 2009 йил, 15 май, ПҚ-1112-сон.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори. “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга киритиш ҳақида 2000 йил, 25 май, 70-II-сон.

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари

7. И.А.Каримов “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари” Тошкент, Ўзбекистон – 2009.

8. И.А.Каримов “Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида” Т., Ўзбекистон – 2011 й.

9. И.А.Каримов “2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади” Йил якунларига бағишланган маъруза. Ҳалқ сўзи. 18.01.2014 йил.

IV. Дарсликлар ва ўқув қўлланмалар

10. Абдуллаев А. Бизнес-режа. Тошкент, Молия, 2008 йил.
11. Абдуллаев А. Кичик бизнесни бошқариш, Тошкент, Молия, 2009.
12. Бекмуродов А.Ш., Ғафуров У.В. “Ўзбекистон – иқтисодийни модернизациялаш ҳамда ислохотларни чуқурлаштиришнинг янги ва юксак босқичи йўлида”. Т.: Иқтисодиёт, 2008. - 126 б.
13. Бекмуродов А.Ш., Беркинов Б.Б., Ғафуров У.В. “Ўзбекистон – иқтисодийни либераллаштириш ва модернизациялаш йўлида”. Экспресс-проспект. Т.: Иқтисодиёт, 2009. - 52 б.
14. Ходиев Б.Ю., Беркинов Б.Б. Корпоратив бошқарув: Ўқув қўлланма. –Т.: “ADIB”, 2010. - 190 б.
15. Хошимов А.А. Корпоратив бошқарув шаклидаги тузилмаларнинг ривожланиш истикболари. - Тошкент: Фан, 2003. – 112 б.
16. М.Б.Хамидуллин “Корпоратив стратегияларни молиялаштириш усуллари ва механизмлари” Т. 2007 й № 5-6. 4 б.
17. Авдокушин Е.Ф. “Международные экономические отношения”. Учебник. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2010, 68 б.
18. Махмудов Э.Х. “Корхона иқтисодиёти”. Ўқув қўлланма – Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2008 й.
19. Вахобов А. “Молиявий бошқарув таҳлили”. Дарслик , Тошкент - Ўзбекистон - 2008.
20. Савицкая Г.В. “Анализ хозяйственной деятельности предприятий” – М.: ИНФРА-М, 2001.
21. Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. “Менежмент”. Дарслик - Тошкент: Ўзбекистон, 2002.

22. Юсупов С.Ш. Роль маркетинга в повышении конкурентоспособности продукции текстильной и легкой промышленности Узбекистана. // Материалы международной научно-практической конференции. - Москва, ГОУ ВПО “РЭА им. Г.В.Плеханова”, 2009. -С. 235, 236.

23. Юсупов С.Ш., Юлдашев Н.К. Формирование ценовой конкурентоспособности продукции легкой промышленности в стратегии маркетинга. // Материалы международной научно-практической конференции. - Москва, МГУ им. М.В.Ломоносова, МГ-ЭИ, ТФИ, 2010. -С. 256-258.

24. Юсупов С. Тўқимачилик корхоналари ривожланишини таъминлаш стратегиясининг услубий масалалари. // Иқтисодиёт ва таълим. -Тошкент, 2011. №3. -Б. 77-81.

25. Благодаров А.В. Формирование конкурентной стратегии на предприятиях по производству синтетических тканей // Развитие конкуренции на рынках товаров и услуг. Сборник материалов международной научно-практической конференции. - Киров: Изд-во ВятГУ, 2004.

V. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

26. “Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси” журнали, 2011-2013 й.

27. “Ўзбекенгилсаноат” ДАК йиллик ҳисоботлари. 2007-2013йй.

28. “Халқ сўзи” газетаси 2011-2013 йил сонлари.

29. “ИАБ Анвар” нинг 2011-2013 йил ҳисоботлари.

VI. Интернет сайтлари

30. www.gov.uz

31. www.nalog.ru.

32. www.mf.uz

